Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 90 (20. 657) • 1990 йил 18 апрель, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

17 апрель куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг область партия комитетлари биринчи ва иккинчи секретарлари иштирокида кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Компартиясида ҳисобот ва сайловларнинг бориши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Масалани муҳокама қилиш чоғида қизғин тус олган ҳисобот-сайлов кампанияси КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март Пленумлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинган КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳалари таъсири остида ўтаётганлиги таъкидланди. Партияни янгилашнинг асосий муаммолари юзасидан съездолди мунозараларининг, йиғилишлар ва конференцияларнинг ўтишига омманинг кенг миқёсда сиёсийлашганлиги, республикадаги мураккаб иқтисодий вазият, ижтимоий кескинлик ўз таъсирини ўтказмоқда. Бошланғич ва цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари асосан тугалланди. Дастлабки 17 шаҳар, район партия конференциялари бўлиб ўтди. Умуман демократиялаш, ошкоралиқнинг чуқурлашганлиги, коммунистларнинг юксак фаоллиги ва танқидий кайфияти, қайта қуришнинг боришидан қониқмаслик улар учун хос бўлди.

Шу билан бирга ҳозирги ҳисобот-сайлов кампанияси алоҳида аҳамиятга эга эканлигига ва муддатлари жуда қисқалигига қарамай, айрим область, шаҳар ва район партия комитетлари йиғилишлар ва конференцияларга тайёгарлик кўриш ва уларни ўтказишга тегишлича масъулият билан қарамадилар, аввалбошданоқ назоратни бўшаштириб юбордилар.

Марказий Комитет Бюроси республика партия комитетлари зиммасига район, шаҳар, область партия конференцияларини ташкилий ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан юксак даражада тайёрлаш ва ўтказиш масалаларига эътиборни кучайтиришни юклади. КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳаларини, КПСС Марказий Комитетининг мамлакат коммунистларига очиқ хатини кенг муҳокама қилиш, уларда баён қилинган принципиал масалаларга доир ўз позицияларини белгилаб олиш учун съездолди ҳисобот-сайлов кампаниясидан самарали фойдаланиш керак. Ишнинг янги шаклларини коллектив бўлиб излаш, вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий вазиятни, КПССнинг жамиятдаги янги ўрни ва ролини ҳисобга олиб партия ташкилотлари фаолиятини янгилаш программасини ишлаб чиқиш таъминлансин.

КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март Пленумлари, уларда қабул қилинган ижтимоий-сиёсий системада партиянинг янги ролини белгилаб берувчи съездолди ҳужжатлари талаблари асосида Марказий Комитет Бюроси область партия комитетлари структурасини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратини такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилди ва бу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Экиш қизғин, парвариш авжида

● СИРДАРЁ. Меҳнатобод районидаги Ғанишер Юнусов номли совхоз деҳқонлари 500 гектардан зиёд майдонга беда уруғи сепишди. Хўжаликнинг С. Умматов, Т. Собиров бошлиқ бригадалари бу ишни ўз вақтида амалга оширишди. Айни пайтда униб чиққан майсаларни озиқлантириш ишлари авж олган.

А. НОРҚУЛОВ.

● ЖИЗЗАХ. Жиззах районидаги кўпгина хўжаликларда янги боғ-роғлар яратишга алоҳида эътибор бериляпти. Умуман район бўйича 156 гектар боғ бор эди. Бу йил 113 гектар янги боғ яратилди. Бунда Х. Носиров номли, К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин номли совхозлар коллективлари фаол иштирок этишди.

М. АЛИҚУЛОВ.

● ХОРАЗМ. Мактабимиз ўқувчилари баҳорги ишларни қизитиб юбордилар. Боғ ва узумзорлар яратишда улар фаол қатнашишмоқда. Мактаб территориясига оқ тут, шотут, гужум, мажнунтол каби мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилди.

Қ. РАҲИМОВА.
Ойбек номли мактаб ўқувчиси.

● ФАРҒОНА. Қува районидаги «Москва» колхозининг М. Мамадолимов бошлиқ бригадаси аъзолари мўл пахта билан бирга чорва моллари учун озуқа ҳам етиштирмоқдалар. Ҳозир 12 гектар майдонга озуқабоп лавлаги уруғи экиб қўйилди. Уларнинг нияти — ҳар гектар майдондан 600—800 центнердан ҳосил олиш.

С. РУСТАМОВ.

● СИРДАРЁ. Районнинг «кумуш тола» ижодкорлари мавсумга пухта ҳозирлик кўришмоқда. Уларнинг аҳди — давлатга 113 тонна хом ашё етказиб бериш. Райондаги «Ленинград», «Ўзбекистон», Ильич номли колхозлар ва Собир Раҳимов номли совхозда мавсумолди ишлари намунали ташкил этилган. Умуман район бўйича 400 минг туп тут кўчати ўтказилди. Хўжаликда термометр, сўкчак ва бошқа анжомлар тахт қилиб қўйилди.

А. БУРЛИЕВ.

СИФАТНИ КЎЗЛАБ

Айни кунларда республикамизда экиш-тикиш ишлари авжида. Чигит экиш давом этмоқда. Миришкор деҳқонлар эса маккажўхори ва бошқа озуқа экинларини чигит экиш бошлангунча жойлаштиришди. Пахтакор районидаги Ульянов номли совхознинг Зокир Яхшибоев бошлиқ бригадаси аъзолари ерларга сархил маккажўхори уруғини қадамоқдалар. Уларнинг нияти — 22 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 33,7 центнер ўрнига 50 центнердан сифатли дон олиш. Шу мақсадда улар экиш қондаларига қатъий риоя этмоқдалар.

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозда ҳам экиш тугалланмоқда.

Юқоридаги суратда хўжалик далалари акс эттирилган. Пастдаги суратда эса Ульянов номли совхознинг бригада бошлиғи Зокир Яхшибоев билан звено бошлиғи Нажмиддин Юсупов уруғлик маккажўхорини кўздан кечирмоқдалар.

А. МАЛЬЦЕВ ва У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ЧЕТДАН КУЗАТУВЧИ БЎЛМАНГ

Ўзбекистон партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар бўлмоқда. Корхоналар ва муассасалар бошланғич партия ташкилотларида йиғилишлар ва конференциялар тугамоқда. Шаҳар, район партия ташкилотларининг ҳам конференциялари ўтмоқда. Уларда коммунистлар партия турмуши масалаларини муҳокама қилмоқдалар, ижтимоий ва иқтисодий аҳволни яхшилаш йўлларини белгиламоқдалар. Қайта қуриш шароитида партиянинг етакчилик ролини мустаҳкамлаш асосий масала қилиб қўйилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва партиянинг янги Устави лойиҳалари, КПСС Марказий Комитетининг мамлакатдаги барча коммунистларга мурожаатномаси диққат марказида турибди.

Янгиқўрғон ҳисобот-сайлов конференциясида ишни такомиллаштириш йўллари тўғрисида батафсил гаплашиб олинди. Район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қирғизов докладида конференцияга амалий тус берилди. У делегатлар эътиборини баландпарвоз гаплар билан эмас, балки ҳисобот даврида ҳал этилмай қолган муаммоларга қаратди. Барча партия бўғинлари фаолиятини яхшилаш йўлларини биргаликда излаш таклиф этилди.

Мафкуравий ишларни такомиллаштириш ҳозир ҳар қачонгидан ҳам катта аҳамиятга эга. Районда эса ижтимоий-сиёсий ишлар марказларининг имкониятларидан мутлақо фойдаланилмаяпти, лекция пропагандасида расмиятчилик тугатилмаган. Районда халқ таълими моддий базасини ривожлантириш юзасидан кўп иш қилинмоқда. Бироқ бу ишлар етарли эмас. Мактабларнинг 73 фоизи икки сменада ишлаяпти, ҳар икки мактабдан бирида спорт заллари йўқ, мактабгача тарбия болалар муассасалари шохобчаларини ривожлантириш ҳам замонавий талаблардан орқада қолмоқда. Айрим педагогика коллективларида носоғлом маънавий-руҳий муҳит вужудга келган. Тарбиявий ишлар савиясининг пастлиги оқибатида мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқ-тартиботни бузиши кўпаймоқда.

Маданият соҳасида ҳам ишлар кўнгилдагидек эмас.

«Сиҳат-саломатлик» программасини самарали амалга ошириш талаб қилинади. Юқумли касалликларнинг олдини олиш масаласи ғоят ўткир масала бўлиб турибди. Район аҳолисининг 60-65 фоизигина сифатли ичимлик сув билан таъминланган. Бу эса ошқозон-ичак касалликлари даражаси юқорилигининг сабабларидан биридир.

Сўнгги йилларда партия ва ҳукумат динга ишонувчилар томон муайян қадам қўйди. Диний фаолиятни теклашлар бекор қилинмоқда. Айни пайтда бу тадбирлар коммунистлар материалистик асосдаги дунёқарашдан чекинишлари мумкинлигини билдирмайди. Бироқ партия аъзоларининг кўплари район матлубот жамияти, 11-ўрта мактаб партия ташкилотларида турувчи ўртоқлар, райондаги бир қанча бошқа мактабларнинг ўқитувчилари диний маросимларда қатнашаётганликларига тоқат қилиб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси атеистик тарбия бўш йўлга қўйилганлигини кўрсатади. Бу соҳада ҳам янгича ёндашувлар, принципиаллик керак.

Нотиқлар ана шу камчиликлар район партия комитетининг бюросига ҳам тааллуқли эканлигини айтишди — бу камчиликлар кадрлар масаласи бўш ҳал этилаётганлигининг оқибатидир. Бошланғич партия ташкилотлари ҳам фаол иш олиб боришлари лозим.

«Нанай» совхозининг бригадири ўртоқ Шарипова илгари бошланғич партия ташкилотлари билан алоқаси бўшлиги учун район партия комитетини танқид қилганлигини айтди. Сўнгги вақтда яхшилиқ томон ўзгариш юз берди. «Райком кунлари» ўтказила бошланди, бу эса жойларда партиявий ишларни ташкил этишни яхшилашга ёрдам бермоқда. Лекин район партия комитетининг бўлимлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши профилактика ишларини ташкил этишда бошланғич партия ташкилотларига яхши ёрдам беришмаяпти.

Ильич номли совхоз партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳасанов райком аппарати ходимлари билан бошланғич партия ташкилотлари ўзаро алоқалари практикасига нисбатан фикрини айтди. У район партия комитети бўлимларининг амалий ёрдами кўпинча «қимматли кўрсатмалар» беришдан иборат бўлишини таъкидлади. Кўпгина партия ходимлари қуйи бўғинларнинг, коммунистларнинг эҳтиёжларини ўрганишга ҳаракат ҳам қилишмайди. Ҳолбуки, таъсирчан-амалий ёрдам керак.

Нотиқлар КПСС Марказий Комитетининг норматив ҳужжатларига катта эътибор бердилар. КПСС Устави лойиҳаси хусусида коммунистлар ўз фикрларини айтишди. Улар конкрет таклифлар киритдилар.

Делегатлар район партия ташкилотининг раҳбар органини, Ўзбекистон Компартияси XXII съездига, Наманган область партия конференциясига делегатларни сайладилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов нутқ сўзлади.

* * *

Наманган областида Косонсой ва Норин район партия конференциялари ҳам бўлиб ўтди.

* * *

Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё областларининг бир қанча шаҳар ва районларида ҳам шаҳар ҳамда район ҳисобот-сайлов партия конференциялари бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҚАНЧА ТУРЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССРДАН ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА

«ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИНИНГ БИР ТАШҚАРИГА ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШНИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қилади:

Ички бозорни барқарорлаштириш мақсадида харидоргир озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишни вақтинча чеклаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва Ўзбекбирлашувнинг таклифи қабул қилинсин (моллар рўйхати эълон қилинади).

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги 1990 йил 20 апрелдан бошлаб ана шу рўйхатдаги молларни Ўзбекистон ССРдан ташқарига жўнатиш учун почта посилкаларини қабул қилишни тақиқлаб қўйсин. Ҳарбий қисмлар, ногиронлар, қариялар уйлари, болалар уйлари, интернат мактаблар, ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида жазони ўтаётган кишилар, олий ўқув юртлари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртларининг республикадан ташқарида ўқиётган талабалари номига жўнатиладиган маҳсулотлар бундан мустаснодир.

Ўрта Осиё Темир йўли бошқармаси, Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги 1990 йилнинг 20 апрелидан бошлаб озиқ-овқат молларининг барча турларини республикадан ташқарига олиб чиқишни тақиқлаб қўйсинлар, гражданлардан белгиланган нормадан ташқари озиқ-овқат маҳсулотлари юкини қабул қилмасинлар, харидоргир молларни республикадан ташқарига жўнатиш учун уларга ва кооперативларга вагонлар, контейнерлар, автотранспорт ва самолётлар ажратмасинлар. Шахсий фойдаланишдаги буюмлар, шунингдек истиқомат қилиш учун янги жойга жўнаб кетаётган кишиларнинг буюмлари бундан истиснодир.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетига бир киши олиши мумкин бўлган моллар нормаси белгилаб берилди. Молларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш ҳоллари аниқланганда эса, уларни сотиш тўғрисида шу жойнинг ўзида қарор қабул қилинсин. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ва Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги билан биргаликда айниқса аэропортларда, темир йўл ва автомобиль вокзалларида олиб қўйилган моллар топшириладиган конкрет магазинларни ва умумий овқатланиш корхоналарини белгиласинлар. Бевосита шу жойнинг ўзида малакали мутахассисларни жалб этиш йўли билан гражданларга олиб қўйилган моллар пулини қайтариб бериш тартиби ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети, Ўзбекбирлашув, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети 1 июндан кейин қишлоқ хўжалик маҳсулотини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш тартиби тўғрисида, шунингдек аҳоли хўжаликларида мева-сабзавот маҳсулоти етиштирувчилар уюшмасини тузиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар ишлаб чиқсинлар ва бир ой муддат ичида Ўзбекистон ССР Министрлар Советига топширсинлар.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги транспортнинг барча турларида юк ташиш устидан қатъий назорат ўрнатсин. Кундалик харид моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, чорва моллари ва паррандаларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш ҳолларининг қатъиян олди олинсин.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети, министрликлар ва идоралар енгил автомашиналарни, жумладан, илгари фойдаланишда бўлган машиналарни комиссион нархларда фақат Ўзбекистон ССР территориясида истиқомат қилувчи шахсларгагина сотсинлар.

ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛИШИ ЧЕКЛАНГАН ЕКИ ТАҚИҚЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР РЎЙХАТИ

Биринчи устун — моллар номи, иккинчи устун — ўлчов бирлиги, учинчи устун — алоқа бўлими орқали жўнатиш нормаси, тўртинчи устун — транспорт барча турларида олиб чиқиб кетиш тақиқланган юк.

1. Дудланган колбасалар ва дудламалар	кг	1	
Консервалар:			
гўшт	банка	2	
сут	»	2	
балиқ	»	2	
сабзавот	»	2	
мева	»	2	
шарбатлар	»	2	
Шакардан пиширилган маҳсулотлар	»	2	
Пишлоқ, бринза	кг	1	
Сарёғ	»	1	
Болалар таомлари маҳсулотларининг барча турлари	қути	2	
Озиқ-овқат концентратлари	ўрам	10	
Қуруқ нонушта	»	10	
Қоқланган, дудланган балиқ	кг	2	
Барча турдаги қаҳва	»	0,2	
Чой	»	0,3	
Қандолатчилик маҳсулотлари	»	1	
Асал	»	1	
Қанд-шакар	»	1	
Ун	»	2	
Гуруч	»	2	
Тамаки маҳсулотлари	қути	10	
Қора мурч	кг	0,1	
Хантал, бошқа зираворлар	»	0,2	
Ош содаси	»	0,2	
Хамиртуруш	»	0,2	
Ип газламалар	метр	6	
Сочиқ	дона	2	
Жун рўмол	»	1	
Чарм пойабзал	жуфт	1	
Оёқ калишлари	жуфт	1	
Тайёр кийимлар	турли	1тадан	
Пайпоқ-носкилар	жуфт	2	
Ўрин-кўрпа жилдлари	туркум	1	
Кир совун, атир совун	бўлак	1	
Синтетик ювиш воситалари	қути	1	
Тиш ювиш пастаси	тюбик	2	
Корсет буюмлари	дона	1	
Соқол олиш пискалари	қути	1	
Митти калькуляторлар	дона	1	
Ихчам-кассеталар	»	2	
Ип ва ипак	»	2	
Мактаб-ёзув анжомлари	турли	2	
Сурат қоғози	қути	1	
II. Барча озиқ-овқат маҳсулотлари шу жумладан вино-арақ	—	—	тақиқланган
Чорва ва парранда			»
Чет элда ишлаб чиқарилган барча ноозиқ-овқат маҳсулотлари	—	—	»
Узоқ муддат фойдаланиладиган моллар			
Телевизор			»
Пианино ва рояллар			»
Енгил автомашиналар			»
Велосипед ва мопедлар			»
Электр-буюмлар	—	—	»
Мебель	—	—	»
Гилам ва гилам буюмлар	—	—	»
Радиотехника	—	—	»
Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металлардан ясалган буюмлар	—	—	тақиқланган
Табиий мўйна буюмлар			»
Бинокорлик материаллари:			
ёғоч-тахта	—	—	»
цемент, шифер, дераза ойнаси	—	—	»
лок-бўёқ маҳсулотлари	—	—	»
Сантехника, санитария сопол буюмлари	—	—	»
Линолиум, гулқоғозлар	—	—	»
Кундалик моллар:			
ип, тугма, игна, шпилька, гугурт, шам, пичоқлар, қайчилар	—	—	»
Синтетик ювиш воситалари	—	—	»
Кир совун, атир совун	—	—	»
Тиш ювиш пастаси	—	—	»
Соқол олиш учун пискалар	—	—	»
Калава иплар	—	—	»
Соябонлар	—	—	»
Жун рўмоллар	—	—	»
Гальваник элементлар	—	—	»
Сурат қоғози	—	—	»
Ип газламалар:			
чит, сатин, чойшаббоп газлама, дока	—	—	»
Ипак газламалар:			
духоба, бахмал	—	—	тақиқланган
духоба буюмлар	—	—	»
Тайёр кийимлар	—	—	»
Пойабзал	—	—	»
Бош кийим	—	—	»
Енилги-мойлаш материаллари	—	—	»

* * *

1 ИЮНГАЧА РЕСПУБЛИКАДАН ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШ ЧЕКЛАНГАН ЕКИ ТАҚИҚЛАНГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ РЎЙХАТИ

Биринчи устун — маҳсулот тури, иккинчи устун — ўлчов бирлиги, учинчи устун — алоқа бўлими орқали жўнатиладиган маҳсулот нормаси, тўртинчи устун — транспорт барча турларида олиб чиқиб кетиш тақиқланган юк.

Сабзавот:			
помидор	кг	2	тақиқланган
бодринг	»	—	»
лавлаги	»	—	»
сабзи	»	—	»
шолғом	«	—	»
пиёз	»	2	»
турп			»
булғор қалампири			»
саримсоқ пиёз	»	2	»
Мева:			
олма	кг	2	тақиқланган
узум			»
ток	»	2	»
олхўри	»	2	»
беҳи	»	2	»
хурмо	»		»
туршак ва майиз	»	2	»
ёнғоқ	»	2	»
ерёнғоқ	»	2	»
хандон писта	»	1	»
бодом, шўрданак	»	1	»
полиз маҳсулотлари			»
қовунқоқи			»
картошка			»

Ўзбекистон ССР Президенти Индонезия делегациясини қабул қилди

Ўзбекистон ССР Президенти А. И. Каримов 17 апрель куни Индонезия Республикасининг кооперация ишлари министри Б. Арифин бошчилигидаги ҳукумат делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Меҳмонларга Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари тўғрисида, республиканинг қайта қуриш, демократиялаш йўлида қилаётган ҳаракатлари ҳақида гапириб берилди. Икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш тўғрисида қизиқарли суҳбат бўлди. Бу жараёнга кейинги вақтларда янги омил бахш этилганлиги мамнуният билан таъкидланди. Меҳмонларнинг мазкур ташрифи, шунингдек яқинда Ўзбекистон делегацияси Индонезияга боргани бунинг далилидир.

Б. Арифин А. И. Каримовга у Ўзбекистон ССР Президенти юксак лавозимига сайланиши муносабати билан Индонезия Президенти Сухартонинг қутловини топширди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги ўзаро манфаатли бевосита алоқаларни ривожлантириш йўлини давом эттиришга икки томонлама интилиш истаги билдирилди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Индонезия Республикасининг Совет Иттифоқидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Я. М. Жани иштирок этди.

(ЎзТАГ).

В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига

Инсоният тарихи ҳали Лениндек давлат рақбарини кўрмаган эди. Ундаги назарий қудрат, снёсий донолик, зийраклик, мустаҳкам ирода ва мардлик хислатлари халқни, унинг ҳаётини, қалбидаги истакларини, зарур эҳтиёжларини чуқур билиш билан чамбарчас боғланган эди. У тарихда биринчи бўлиб халқ билан мустаҳкам боғланган ва халққа қаттиқ ишонган давлат арбобидир.

БУЮКЛИК ТИМСОЛИ

Бутун дунё меҳнаткашларининг доҳийси В. И. Ленин улуғ назариётчи ва буюк давлат арбоби бўлиши билан бирга барчанинг энг яқин дўсти, буюк ва камтар инсон эди. Унинг тарҳимаи ҳолига назар ташлаган киши шунчалик буюк одамнинг қанчалик камтар ва юксак инсоний фазилатларга бойлигини кўриб қойил қолади.

В. И. Ленин халқ билан, меҳнаткашлар билан минглаб кўзга кўринмас иплар орқали чамбарчас боғланган эди. У ишчи, деҳқон ва Қизил Армия солдатлари йиғинларида тез-тез қатнашиб, кундалик кайфияти ва манфаатлари, орзу-умидларидан доимо хабардор бўлиб турар эди. У оддий кишилар билан суҳбатлашиш учун ҳар қандай оғир шароитда ҳам вақт топган.

Ленин меҳнаткашлардан жуда кўп хатлар олиб туриши билан бирга Халқ Комиссарлари Совети номига келган шикоят ва аризаларни ҳам кузатиб борар, уларга ўз вақтида дарҳол асосли жавоб берилишини талаб қиларди.

1919 йил январида Халқ Комиссарлари Советининг ишлар бошқармасига ёзма равишда келган барча шикоятлар тўғрисида 24 соат ичида уни хабардор қилиб туриш ҳақида кўрсатма берди.

Ильичнинг ўз олдига келган кишиларни қандай қабул қилганлиги тўғрисида ҳам кўпгина хотиралар ёзилган. У қабулга келганларни сира ўринсиз кутириб қўймаган. Борди-ю, суҳбат чўзиладиган бўлиб қолса, у дарҳол секретарини чақириб, кутириб қўйгани учун навбатдаги кишидан узр сўрашни илтимос қиларди.

Ленин муомалада ҳам юксак даражада маданий киши эди, ҳар бир одамни жуда қадрлар, унга ҳурмат билан қарарди. Ҳар бир одамдаги яхши фазилатларни дарҳол сеза билиши доҳийнинг ажойиб хислати эди. Кишидаги энг яхши хислат ва қобилиятларни янада кенгроқ ривожлантириш, уларнинг ақл, иродаси ва кучини зарур ишларга йўналтира билишни у чинакам раҳбарга хос муҳим фазилат деб ҳисобларди ва бу соҳада ўзи бошқаларга намуна кўрсатарди.

...1917 йилнинг 29 октябрига ўтар кечаси. Ёмғир шивалаб ёғарди. Социалистик революция ғалаба қилганига энди беш кун бўлган. Контрреволюцион қўшинлар Петроградни олов ҳалқаси билан ўраб олган. Шаҳарда эса ишчилар, матрослар ва солдатларнинг мудофаа халқалари бўйлаб жойлашган отрядлари... Ленин ҳам улар орасида. Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилиш ғоят зарур, дейди у. Суҳбат анчагача давом этди. Ниҳоят Ильич жўнаб кетади. Қайтишда Путилов заводига киради. Ишчилар унинг бундай бевақт келганидан ташвишланиб, доҳий юзига тикилишади. У эса осойишта кулиб, ҳамма билан саломлашади, қанча ишчи фронтдалигини сўрайди. Бронепоезд қачон ишга тушиши билан қизиқади. Суҳбат давомида кимдир картошка ва қайнаган сув келтиради. Ильич ишчилар билан бирга ўтириб, бир неча картошка ейди, кружкада сув ичади, яна уни-буни суриштиришга киришиб кетади. Кета туриб, эртага бронепоезднинг ишга туширилишига аминман, дейди у ишчиларга қараб...

Владимир Ильич овда бўлган вақтида ҳам деҳқонлар уйига чой ичиш учун кириб ўтарди. Деҳқон аёл Петровнанинг уйида бўлган қуйидаги суҳбат ғоят диққатга сазовордир.

Владимир Ильичнинг ўзи чой қуйиб ичар экан, кампир сўраб қолди:

— Ленин, сен подшо бўла туриб ўзингга чой қуйиб ичяпсан, уят эмасми! Кел, мен қуйиб берай.

Владимир Ильич бўлса бу гапга кулиб:

— Раҳмат, Петровна, — деди, — сен мени бекорга подшо деб атаяпсан. Ахир, подшони қувиб юборганимизга анча вақт бўлди-ку. Ҳокимият энди халқники, Советларники.

— Гапингни қара-я, подшо эмасмиш, — деб қўйди Петровна. — Лекин сенинг ҳокимиятинг жуда хасис чиқиб қолди. Ўзинг учун лоақал битта хизматкор олсанг, давлатинг камаярмиди? Сен жуда оддий доҳийсан-да. Мана ўзинг чой қуйиб ичяпсан, менинг хўжайиним аёл бўла туриб 8 та хизматкор тутарди. Энди ҳаммаси бошқача бўлиб кетди. Халқ ўз ақли билан яшайдиган бўлиб қолди.

— Бу гапинг тўғри, — деди Ленин. — Халқ ўз ақли билан яшамоқда.

Пролетариатнинг буюк устози ўз ҳаёти ва революцион фаолиятининг бошидан охиригача шундай оддий ва камтарин кишилигича қолди. Шу туфайли ҳам миллионларнинг ҳурматига сазовор бўлди.

Владимир Ильич Ленин номини абадий барҳаёт қилган, меҳр-муҳаббатини қалбларга абадий муҳрлаган нарса — унинг ана шу оддийлиги, инсонпарвар ва камтарлигидир.

А. РАЗЗОҚОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ

● Жумҳуриятимиз Автомобиль транспорти вазирлигига қарашли йўловчилар ташиш бош бошқармаси корхоналари 1990 йил биринчи квартал план топшириқларини ошириб бажарди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 47 фоиз кўпроқ йўловчилар ташилди. Меҳнат унумдорлиги 5,4 фоиз ошди. Бундан икки йил аввал аҳолига 1560 та автобус хизмат қилган бўлса, бу йилдан бошлаб уларнинг сони 3544 тага етди.

Бир неча қўшимча маршрутлар очилди. Йўловчилар вақтини тежаб қолиш мақсадида Тошкент—Самарқанд маршрутида олдиндан бориш-келиш билетларини сотиш йўлга қўйилди.

— Аҳолига намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди бош бошқарма бўлими бошлиғи А. Азимов.

У. МУҲАМЕДОВ.

ҲОРМАНГ, ЗИЁКОР!

● — Ҳар гал янги уйга кўчиб ўтган хонадон соҳибларининг хурсандчилигини кўрганимда уларнинг уйига нур-зиё, ўзларига яхши кайфият бахш этишда озгина бўлса-да ҳиссам борлигидан фахрланаман, — дейди тажрибали электрмонтёр З. Ҳалилов.

Дарҳақиқат, Зоҳид ака қарийб чорак асрдан буён хонадонларимизга нур улашиб келмоқда. У ўз иш фаолиятини «Узэлектромонтаж» трестининг Тошкент вилоят бошқармасида бошлаганди. Ўша ерда тажриба орттирди. Меҳнатсеварлиги, ташкилотчилиги билан ҳамкасблари меҳрини қозонди. Кўп ўтмай уни бригадирликка сайлашди.

Ҳозир З. Ҳалилов бошлиқ нурчилар бригадаси Тошкентда бунёд этилаётган уйларда электр монтаж ишларини олиб боряпти.

Нурчилар сардори ҳар соҳада ўз бригадаси аъзоларига ўрнак. У техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат инспектори сифатида ҳам қатор ишларни амалга оширяпти. Яқинда кўп йиллик фидокорона меҳнати учун З. Ҳалилов вилоят қурувчилари учун таъсис этилган «Бунёдкор» мукофотининг лауреати бўлди.

Х. ТОШЕВ.

• Партия турмуши: коммунист шахсига муносабат

Бошланғич партия ташкилоти ўзига хос бир оила. Коммунистлар вазифаларни биргаликда ҳал этадилар. Бир-бирлари билан бамаслаҳат иш юритадилар. Ҳар бир коммунистнинг ўз ўрни бор, ҳар бири ўзига хос бир олам. Коммунистларнинг шахсий хулқ-атвори, ижтимоий меҳнатдаги фаолияти, партия топшириқларини бажаришдаги фаоллигини кузатиб бориш ҳамда уларга тегишли баҳо бериш — бошланғич партия ташкилотининг жанговарлиги мезонидир. Бироқ партия ташкилоти ойлаб ва ҳатто йиллаб ўз ҳисобида турган коммунист тақдири билан қизиқмаса-чи?..

ЛОҚАЙДЛИКМИ ЁКИ ХУСУМАТ?

— Кейинги бир ярим йил ичида аъзолик бадали тўлаганим йўқ. Бадални почта орқали Ёзёвон район партия комитетига юборсам, ўзимга қайтариб юборишибди, — деб шикоят қилди коммунист А. Абдувоҳидов. — Бироқ партия аъзолигидан ҳам чиқаришмаган.

Хўш, партия Уставининг бу қадар қўпол тарзда бузилиши боиси нимада?

Абдужалил Абдувоҳидов 1964 йилдан буён КПСС аъзоси. 1988 йил июнь ойигача у бирор бир партиявий жазо олмаган. Илгари Ёзёвон районидаги Охунбобоев номли колхозда турли вазифаларда ишлаган. 1987 йил бошларида оиласи билан қўшни Тошлоқ районидаги Карл Маркс номли колхозга ишга ўтади. К. Маркс номли колхоз далалари Охунбобоев номли колхозга туташиб кетган. Колхоз Ёзёвон чўллари ўрнида вужудга келган. Чўлқуварлар хўжалиги ўз шонли анъаналарига эга. Колхозда меҳнатни ташкил этишнинг янги усули — оилавий звенолар ташкил этила бошлагач, Абдувоҳидовлар оиласи ҳам шу колхозга ўтиб, 23 гектар ер олади. Звенода етти киши — ҳаммаси Абдужалил Абдувоҳидовнинг оила аъзолари бўлиб, колхоз правлениеси билан звено ўртасида шартнома ҳам тузилган. Аммо Абдувоҳидов ўз партия ҳужжатларини ишлаётган жойидаги партия ташкилоти ҳисобига ўтказмай, Охунбобоев номли колхоз партия ташкилоти ҳисобида тураверган. Бироқ на Охунбобоев номли колхоз партия комитетининг собиқ секретари А. Нажмиддинов ва на коммунистлар бу ҳол билан қизиқмаганлар.

«Мен ўзим қўшни район колхозига вақтинча ўтдим. Шу сабабли К. Маркс номли колхоз партия ташкилоти рўйхатига ўтмасам ҳам бўлаверади, деб ўйлабман», — изоҳлайди бу ҳолни А. Абдувоҳидов. Албатта, салкам чорак асрлик партия стажига эга бўлган тажрибали коммунистнинг бу изоҳи ажабланарли. Бироқ бошланғич партия ташкилоти-чи? Нега у ўзининг бир аъзоси қаерларда юргани билан қизиқмайди?

1988 йилнинг июнь ойига келиб коммунистлар рўйхатларини солиштириш пайтида Ёзёвон район партия комитети ҳисоб секторининг мудираси А. Шодиева буни сезиб қолади. У Абдувоҳидовни чақириб, ҳисоб карточкасини ишлаётган жойига кўчириб олиб кетиши зарурлигини айтади. Абдувоҳидов рози бўлади. Унинг ҳисоб карточкасини Тошлоқ районига юборишади. Қўлига шундай ҳолларда бериладиган талонни тутқазишади.

Райкомнинг масъул ходими шу ерда кўзбўямачиликка йўл қўяди. Абдувоҳидовнинг ҳисоб карточкасига «у 1988 йил июнга қадар Охунбобоев номли колхозда ҳисоб бухгалтери бўлиб ишлаган» деб ёзилади. Ҳолбуки, А. Шодиева Абдувоҳидовнинг 1987 йилдан буён Карл Маркс номли колхозда ишлаётганидан хабардор эди. Нега унда муҳим расмий ҳужжатга сохта ёзувлар битди? Сабаби аён, чунки коммунистнинг бир ярим йилдан буён бошқа жойда ишлаётгани, лекин ҳисоб карточкасини кўчирмаганлиги маълум бўлиб қолса, бошланғич партия ташкилоти, қолаверса, райкомга ҳам гап тегиши мумкин. Қаранг, биз қанчалик эҳтиёткормиз! Эҳтиёткорлик сабаб кўзбўямачиликдан ҳам тоймаймиз... Ҳолбуки, коммунист А. Абдувоҳидовнинг ва Охунбобоев номли колхоз партия комитети секретарининг лоқайдлигига ўз вақтида, принципиал баҳо берилганида бу партиявий масала чигаллашиб кетмаган бўлармиди?..

— Абдувоҳидовнинг ҳисоб карточкаси 1988 йил 1 июлда Тошлоқ райкомига келди, — дейди район партия комитети ҳисоб сектори мудираси Т. Пименова, — Абдувоҳидовнинг ўзи ҳам райкомга келди. Мен унга талонни бериб, «колхоз партия ташкилоти секретарига учранг», дедим. Кўп ўтмай, Абдувоҳидов бўшашганча қайтиб келди. Колхоз партия комитетининг секретари М. Аҳмадалиев уни партия ташкилоти ҳисобига қўйишдан бош тортибди!

Мен ҳайрон бўлдим. М. Аҳмадалиевнинг бизга тушунтиришича, А. Абдувоҳидов бу колхозда ишламас экан. Абдувоҳидов шу масалада райкомнинг иккинчи котиби В. Данилов ҳузурига ҳам кирди.

Бироқ иккинчи котиб ҳам масалани астойдил суриштириб ўтирмабди чоғи. Акс ҳолда у А. Абдувоҳидовнинг қачондан буён ва нима учун ишламаётганлиги сабабларини чуқур текшириб, масалага холис, принципиал баҳо берган бўларди. Сарсон бўлган ҳисоб карточкаси 22 июлда Ёзёвон райкомига қайтариб юборилди. Бироқ энди Охунбобоев номли колхоз парткоми секретари А. Нажмиддинов «Абдувоҳидовни ўз партия ташкилотимга олмайман», деб оёқ тираб туриб олди! А. Шодиева охири ноилож қолиб, Абдувоҳидовни яшаб турган жойи — Октябрь қишлоқ Совети бошланғич партия ташкилоти ҳисобига киритади. Бироқ ҳисоб карточкасига «1988 йил июнидан бери у вақтинча ҳеч қаерда ишламайди», деб ёзиб қўйишни ҳам унутмайди. Коммунист шахсига, унинг партиявий тақдирига бепарволикни қаранг... Абдувоҳидов ўшандан буён шу бошланғич партия ташкилоти ҳисобида туради, аммо унинг ишида деярли қатнашмайди, партия топшириқлари олмаган. Аъзолик бадалларини ҳам тўламайди. Афсуски, биз қишлоқ Совети бошланғич партия ташкилотининг собиқ котибини учрата олмадик. Қишлоқ Совети раиси А. Ўрмонов билан суҳбатлашганимизда у:

— Ўзим коммунист бўлмасам-да, партия йиғилишларида қатнашаман, бизникилар Абдувоҳидовни аъзолик бадали тўламагани учун қабул қилишмаган. — деб жавоб берди.

Демак, Абдувоҳидовнинг шахсий ҳисоб карточкасини райкомда Октябрь қишлоқ Совети бошланғич партия ташкилоти рўйхатига тирқаб қўяверишган. Абдувоҳидов эса ҳисоб карточкасининг қаерга қўйилганлигини аниқлаш мақсадида райкомга келган, ҳатто область партия комитетининг собиқ иккинчи секретари А. Козирь ҳузурида ҳам бўлган. Бироқ мана шу нуфузли идораларда ҳам масалага охирги нуқта қўйилмаган. Шундан сўнг Абдувоҳидов почта орқали аъзолик бадалларини райкомга юборган. Ёзёвон райкоми эса уни эгасига қайтаришдан ўзга чора топмаган. Коммунист ҳисоб карточкасининг футбол тўпидай у томондан бу томонга отилиши, «бор отанга, бор онангга» ўйини ҳамон давом этиб келяпти. Аслида Карл Маркс номли колхоз партия ташкилотининг Абдувоҳидовни ўз сафига олмаслиги сабаблари анча чуқур.

Қўлимизда К. Маркс номли колхоз правлениесининг 1988 йил 6 январдаги йиғилиши қарори бор. Қарордан кўчирмани кўринг:

«Масала юзасидан колхоз партия комитетининг секретари ўртоқ М. Аҳмадалиев сўзга чиқиб, Тошлоқ район ижроия комитети томонидан колхозчиларга сотиш учун ажратилган фонддан бир дона «Жигули» енгил автомашина колхозда яхши ишлаб келаётган колхозчиларга берилишини гапирди. Сўзга чиққан касаба союз комитети раиси ўртоқ А. Мирзаев енгил автомашина колхозда оилавий звено бўлиб ишлаётган Абдувоҳидов Абдужалилга сотилсин, деб таклиф киритди.

Колхоз правлениеси қарор қилади:

1. Тошлоқ район ижроия комитети томонидан колхозчиларга сотиш учун ажратилган фонддан «Жигули» енгил автомашинаси колхоз аъзоси Абдувоҳидов Абдужалилга сотилсин».

Таажжуб ишлар!... Йил бошида энг яхши ишлаган колхозчи сифатида А. Абдувоҳидовга «Жигули» енгил автомашинаси мукофот қилиб берилишига тарафдор бўлган М. Аҳмадалиев орадан олти ой ўтгач, нега бирдан уни танимай қолди? Нега райкомга «колхозда бунақа одам ишламайди», деб айтди? Нега партком секретари колхоз аъзоси бўлган коммунистнинг партия ташкилоти рўйхатига киритилишига жонҳаҳди билан қаршилик қилди?

Бунинг «кичкина» сабаби бор: йил бошидаги илғор колхозчи йил ўртасида колхоз правлениеси билан суд-лашаётган эди.

Абдувоҳидовнинг оилавий звеноси 23 гектар ерга пахта экиб, 63 тонна ҳосил етиштириш мажбуриятини олган эди. Йил бўйи қилинган астойдил меҳнат туфайли 73 тонна-ю 211 килограмм пахта сотилди. Шартномадаги 47 минг 134 сўм ўрнига 54 минг 798 сўм даромад келтирилди. Абдувоҳидовларнинг ўз ҳисоб-китобларига кўра, уларга 20 минг 313 сўм ҳақ тўланиши керак эди. Бироқ колхоз правлениеси бунча ҳақни уларга бермади. Аксинча, ғўза парваришида ва терим жараёнида звено ишида қатнашган ёрдамчиларга, шунингдек, 9-бригада бошлиғи, табелчиси, ошпаз ва ҳатто назоратчиларга ҳам оилавий звено топган даромаддан ҳақ тўланишини рўкач қилди. Бунинг устига звено аъзолари терган пахта ҳам ёрдамчилар терган умумий пахтага қўшиб юборилган. Фарғона область судининг гражданлик ишлари судлов коллегияси бу ишни кўриб чиққанида бир ҳолатга эътиборни қаратди:

«Карл Маркс номли колхоз бухгалтерияси архив ҳужжатлари бирма-бир текширишиб чиқилганида тракторчилар томонидан 1987 йилда бажарилган ишларга Абдувоҳидовнинг берган справкасига асосан 957 сўм ҳажмдаги иш бажарилган бўлса, колхоз тракторчиларига 1462 сўм ёки уларнинг ҳақиқий бажарган ишларига нисбатан звено ҳисобидан 505 сўм ортиқча иш ҳақи тўланганлиги кўринади». Умуман, ҳозирги пайтгача турли даражадаги судлар бу ишни 5—6 марта кўриб чиқишди. Шу жумладан, Ўзбекистон ССР Олий суди гражданлик ишлари бўйича судлов коллегиясининг ажрими ҳам чиқарилди. Бироқ судлар тажрибасида бундай низо илгари кўрилмаганлиги учунми ёки бошқа сабабларга кўрами, хуллас, ҳамон бу иш ҳал этилгани йўқ. Албатта, правление ва звено ўртасидаги низони охир-оқибатда одил суд ҳал этади.

Бизни масаланинг иккинчи томони: айни худди шу жанжал бошланган пайтда Карл Маркс номли колхоз партия ташкилотининг бир коммунист тақдирига бўлган муносабати қизиқтирди.

— Абдувоҳидовни нима учун колхоз партия ташкилотининг рўйхатига киритишни истамадингиз?

— Мен унинг коммунист эканлигини 1987 йил кузида, ҳосил йиғим-терими тугаганидан сўнг билиб қолдим, — дейди колхоз партия комитети секретари М. Аҳмадалиев. — Шу боис келаси йил баҳордан бизга келарсиз, дедим...

— Билишимча, Абдувоҳидов партия билетини шу ёққа ҳисобга қўймоқчи бўлганида райкомга у бу ерда ишламайди деб ахборот берган экансиз?...

— Чунки, 1988 йили колхоз правлениеси билан янги шартномани ўғли тузган-да, у эса ўғлининг звеносида ишламасди.

— У колхоз аъзосимиди?

— Дарҳақиқат, А. Абдувоҳидов колхоз аъзолигига қабул қилинган, — суҳбатга аралашди колхоз кадрлар бўлими бошлиғи А. Назиров, — у ҳозиргача ҳам колхоз аъзоси. Меҳнат дафтарчаси шу ерда сақланади.

Демак, М. Аҳмадалиев райкомга «Абдувоҳидов колхозда ишламайди», деб ахборот берган пайтда Абдувоҳидов ҳақиқатда колхоз аъзоси бўлган. Унинг ишга чиқиш-чиқмаслиги эса маъмурият ёки касаба союз ташкилоти томонидан бирор марта ҳам муҳокама қилинмаган, прогулчи сифатида чора кўрилмаган. Бейхтиёр колхоз партия ташкилоти бу коммунист маъмурият билан чиқишмай қолганлиги, ҳақини талаб қилаётганлиги учунгина уни ўз сафига қабул қилишни истамаганмикан, деган фикрга борасан киши...

А. Абдувоҳидовнинг ўн бир фарзанди бор. Партиявий масаласи ўлда-жўлда. Ёзёвон район партия комитетида шу кунларда «унинг шахсий ишини бошланғич партия ташкилотида кўришмоқчи», — деб айтишди. Аммо ўзи бундан хабардор эмас.

— Йиғилиш бўлишини олдиндан ўзига айтиб бўлмайди, чунки бир ёққа кетиб қолади, — дейди район партия комитети партия комиссияси раиси А. Исломов.

Ҳисоб карточкаси қаёққа юборилганлигидан коммунист бехабар, аъзолик бадалини қандай тўлашни билмай овора. Бошланғич партия ташкилотлари эса қийин аҳвўлда қолган коммунистга кўмаклашиш ўрнига ўзини ундан олиб қочади. Бундай аҳволда партиянинг обрўси ҳақида ўша коммунист нималарни ўйлайди? Бугунги кунда партия билетини ихтиёрий равишда топшираётганлар орасида Абдувоҳидовга ўхшаган жабрдийдалар йўқ деб ким айта олади? Бошланғич партия ташкилотининг маъмурият тизгинида юришига барҳам берилмас экан, халқни унинг етакчилик ролига ишонтириш қийин. Ёзёвон ва Тошлоқ район партия комитетлари орасида сарсон бўлиб келаётган коммунист тақдири кишини ҳар хил ўйларга солади. Бу партияга, коммунист шахсига нисбатан жинояткорона лоқайдликми ёки хусумат туфайли ўч олишми?!..

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СССР Министрлар Советида

Қрим татар халқи муаммолари давлат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Комиссиянинг шу йил март ойида Украина ССРга борган ишчи гуруҳининг Қримга қайтиб келаётган қрим татарларни жойлаштириш ва иш билан таъминлаш учун зарур ижтимоий-иқтисодий шароит яратиб бериш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш борасида биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисидаги маърузаси тингланиб, муҳокама қилинди.

Украина ССР Министрлар Советида қрим татар халқи вакиллари иштирокида тайёрланган қрим татарларнинг ихтиёрий уюшган ҳолда Қрим областига доимий яшаш учун қайтиб келишига доир давлат программаси концепциясининг лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Давлат комиссияси асосан қайд этилган ҳужжатларни маъқуллади ва мажлисда бўлиб ўтган фикрлашув ҳамда айтилган мулоҳазаларни эътиборга олиб, уларни аниқлаш топшириғини берди.

Қрим татар халқи муаммолари давлат комиссияси тўғрисидаги низом лойиҳаси СССР Министрлар Советига тақдим этилиши учун кўриб чиқилиб маъқулланди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР ва Краснодар ўлкасидан қрим татарлар жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Давлат комиссиясининг мажлисини СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Х. Догужиев олиб борди.

ЙИЛИГА ЮЗ МИЛЛИОН ДОНА

Бир йилдан сўнг Тошкентда испаниялик мутахассислар билан ҳамкорликда бир маротаба фойдаланиладиган шприцлар ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилади. Испаниянинг «Фаберсанитас» фирмаси билан бу завод қурилиши ҳақидаги шартномага республикада ташкил этилган «Медиз» медицина маҳсулотлари акционерлик корхонаси имзо чеккан. Шу мақсадда Испаниядан деталлар, механизм ва ускуналар келтирилди.

Қурилаётган завод бир йилда 100 миллион дона шприц ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Маҳсулотларни тайёрлаш учун хом ашёни СССР Медицина саноати министрлиги етка зиб беради.

Суратларда: 1. (Чапдан ўнгга) «Фаберсанитас» фирмаси қурувчи-монтажчиси Андрес П. Мартинес, қурилаётган завод директори В. С. Лемберг, 126-қурилиш монтаж бошқармаси прораби В. Лободенко ва фирма монтажчиси Феликс Лопес Диас. 2. «Медиз» медицина маҳсулотлари акционерлик корхонасининг рамзий белгиси. 3. Бир маротаба фойдаланиладиган шприцлар заводининг келгусидаги ташқи кўриниши.

А. ГОРОКРИК суратлари (ЎзТАГ).





ЛИТВА СЕССИЯСИ АРАФАСИДА

ВИЛЬНЮС, 16 апрель. (ТАСС мухбири). Бугун бу ерда Литва ССР Олий Совети Раиси В. Ландсбергис мухбирлар билан учрашди. Литва парламентининг бошлиғи «СССР Литвага иқтисодий қамал белгилаган» тақдирда республликанинг иқтисодий имкониятлари билан боғлиқ саволларга жавоб қайтарди.

Литва Олий Советининг мустақил Литва давлатини тиклаш тўғрисида қабул қилган қарорини ва бир қанча бошқа қарорларини бекор қилиш ҳақида СССР раҳбарияти Литва ССР Олий Совети ва Министрлар Совети олдига қўйган асосий шартларни В. Ландсбергис «бажариб бўлмайдиган» шартлар, деди.

Литва ҳукумати, деб таъкидлади В. Ландсбергис, республика корхоналари зиммасига СССРдаги шериклари билан ўзаро мажбуриятларини илгаригидек бажариш вазифасини юклади.

У Совет Армиясида хизмат қилишни истаган Литва йигитларига қаршилик кўрсатилмаслигини таъкидлади.

Бош министр К. Прунскене М. С. Горбачев билан Н. И. Рижков номига йўллаган телеграммада бундай дейилади: «Литва ҳукумати иқтисодий ўзаро муносабатларнинг ёмонлашувини оқлайдиган сабабларни кўрмаяпти. Бундан ташқари, белгиланган иқтисодий жазо чораларининг аниқ мазмуни бизга тушунарсиз, биз эса одамларимизга ва дунёга бу чораларни сохта тушунтириб беришни истамаймиз».

ВЛКСМ съездида

16 апрель куни ВЛКСМ XXI съездининг эрталабки мажлисида ВЛКСМ XXI съездининг КПСС Марказий Комитетига ва мамлакат коммунистларига мурожаатномаларини қабул қилиш теварагида деярли уч кун давом этган мунозара ниҳоят тугади.

Ҳужжатда КПСС Марказий Комитетининг «Принципиал негизда жипслашиш учун» деб аталган очиқ хатининг баъзи қоидаларидан ташвиш билдирилади. Комсомол съезди делегатларининг фикрига кўра, ушбу ҳужжат партиядаги мунозараларни сусайтиришга ўриниш бўлиб, унинг съезд олди мунозараси қизиган пайтда пайдо бўлишидан консерватив кучлар КПСС Марказий Комитети дастурида баён этилган фикрлардан фарқ қилувчи фикрларни бостириш учун фойдаланишлари мумкин. Съезд мунозарани амалий ривожлантириш манфаатлари йўлида КПССнинг у ёки бу ҳаракат дастурига қўшилувчи коммунистларга нисбатан ташкилий чоралар кўриш ва КПСС съезди партиянинг стратегик йўлини белгилаб олгунича, фракцияларни ташкилий жиҳатдан тузишга доир ишлардан тийилиб туришга чақирди.

Мазкур мурожаат муҳокамаси чоғида бўлган мунозарада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев қатнашди.

ВЛКСМ XXI съезди декларациясининг лойиҳаси съезд муҳокамасига киритилди. Шу масала юзасидан сўзга чиққан ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко мазкур ҳужжатнинг муҳим концептуал аҳамиятини таъкидлади. Комсомол ижтимоий-сиёсий ташкилот бўлиб қолмоқда, шахснинг эркин ривожланиши, унинг ижодий имкониятларини намоён этиш, ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уни рўёбга чиқариш, демократик, инсонпарвар социализм жамиятини бунёд этиш учун шарт-шароит яратиш, мамлакатни чинакам федератив ҳуқуқий, демократик давлатга айлантириш, бу ишни зўравонликсиз, парламент йўли билан амалга ошириш ана шу ташкилотнинг мақсадидир.

Делегатлар лойиҳа муҳокамаси чоғида унинг ғоявий-назарий асосларини аниқлаб олишга катта эътибор беришди. Шу муносабат билан съезднинг асосий ҳужжатлари қабул қилинмагунича, ёшлар уюшмасининг номи тўғрисидаги масалани муҳокама қилмасликка қарор берилди.

ВЛКСМ программаси лойиҳаси тўғрисида фикр алмашинув чоғида, жамиятда сиёсий жараёнлар шиддатли кечаётган бугунги кунда узоқ йилларга мўлжалланган ҳужжатни яратиш керакмикин, шу боисдан ёшлар уюшмасининг программавий мақсадлари билан чекланишга қарор қилдилар.

ВЛКСМ XXI съезди декларациясининг лойиҳаси ва ВЛКСМнинг программавий мақсадлари маъқулланди ҳамда улар асос учун қабул қилинди.

Кечки мажлисда делегатлар ВЛКСМ устави лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар.

Съезд ишида Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, Г. П. Разумовский, Ю. А. Манаенков, И. Т. Фролов, Г. И. Усмонов, А. Н. Гиренко қатнашдилар.

Съезд 17 апрель куни ўз ишини давом эттирди.

(ТАСС мухбири).

ОМАД МИНТАҚАСИ

Бобоқул ака Отамуродов — Ғиждувоннинг машҳур пахтакорларидан бири. Унинг бригадаси ҳеч қачон қирқ центнердан кам ҳосил етиштиргани йўқ. Ўтган йили ҳам гектар бошига 41,4 центнердан пахта олди. Бундай ҳосил ўз-ўзидан келмайди. Аслида унинг мустаҳкам пойдевори чилла изғиринида, далада муз кечиб қўйилади.

Бухорода ҳосил йиғиштирилиб олиниши билан ер 30—35 сантиметр чуқурликда ҳайдалади. Сўнгра кичик-кичик карталарга ажратилиб, ўртадан баланд чел олинади. Карталар сув билан тўлдирилиб, бостириб суғорилади. Кўпинча бу ишлар 2—3 мартадан такрорланади. Суғорилган ерлар қуригач, чеслар бузилиб майдонлар қайта текисланади, мола ўтказилади.

Қишки яхоб бериш палласида областда 1 миллиард 100—1 миллиард 200 миллион кубометр сув далага оқизилади. Ў ҳосил вегетацияси даврида фойдаланиладиган сувнинг учдан бир қисмини ташкил қилади.

Бундан бир неча йил аввал айни далага яхоб бериш палласида Ғиждувон район партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланган пискентлик Мирзаали Халилов қиш қуёшида ялтираб турган ойнадек далаларни кўриб ҳайратини яшира олмади. Кейин суриштирса, азалдан Бухоро ерлари мана шундай тарзда ювилар экан.

Бобоқул Отамуродов билан дастлабки учрашувдаёқ бир деҳқон унга дардини очди. Ғиждувонлик уста пахтакор оғир меҳнатининг қадри-қиммати йўқлигидан нолиди. Мисол тарзида ўзи меҳнат қилаётган С. Айний номли колхоз иқтисодиётини таҳлил қилиб берди.

Билмадик, бригадирнинг янги секретарга юрагини ёргани ёрдам қилдими ёки колхозга келиб-кетган мутахассислар йўриғини қилишдими, ҳар ҳолда кўп ўтмай колхоз пахтани давлатга сотишда тўртинчи минтақадан иккинчисига сакраб ўтди.

Даромад мана бу ёқда экан. Фақат ўтган йил мобайнида бригада бундай сакраш эвазига ҳеч қандай қўшимча сарф-харажатсиз 16,7 минг сўм, колхоз эса 240 минг сўм фойдани қўлга киритди. Айниқликлар билан қўшничилик қиладиган калининликлар ҳавасдан лаб тишлаб қолишди. Нега энди уларнинг ҳам омади юришмас экан? Ахир, иккала хўжаликнинг ҳам ер-сув шароитлари бир хил-ку!

Келинглар, нарх белгилашдаги бундай адолатсизликлар тўғрисида «четдан келган киши» фикрини эшитайлик. Унинг холисона мушоҳада юритишига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак.

— Пахтанинг харид нархини табақалашда қиймат қонунининг бузилишини Ғиждувонда кўрдим, — дейди биз билан суҳбатда райкомнинг биринчи секретари М. Халилов. — Минтақа белгилашда ерларнинг табиий ҳосилдорлиги, ҳосил ундиришга сарфланадиган меҳнат сарфи тўғри ҳисобга олинмаган. Иқтисодий бақувват хўжаликлар паст минтақага ўтказилиб, заифлар юқори даражага кўчирилган. Текисчилик сиёсати жабрини эса оддий деҳқон чекмоқда...

Нега бундай аҳвол юз бераётганини аниқлаш мақсадида область ижроия комитети нарх бўлимига йўл олдик. Омадимиз бор экан: бўлимда республикада пахта нархи минтақа системасининг «муаллиф»ларидан бири билан юзма-юз чиқиб қолдик.

Республика давлат нарх комитети аграр бўлимининг бошлиғи М. Маҳаматов хизмат йўлланмаси билан Бухорога келиб қолган экан. Табиийки, ўзаро суҳбат дарҳол минтақа мавзуига кўчди.

— Бундан анча илгари, — дея бизга ётиғи билан тушунтиришга уринди Мираҳмад Маҳаматович, — республика хўжаликлари пахта нархи бўйича уч минтақага ажратилган эди. 1982 йилда уларнинг сонини бештага етказишга қарор қилдик. Ўша йилларда Бухорода авж олган кўзбўямачиликлар оқибатида областдан тақдим қилинган иқтисодий кўрсаткичлар асосида биз мазкур регион учун минтақани тўғри белгилай олмадик. Рентабеллик даражаси кўпчилик хўжаликлар бўйича юқори кўрсатилганлиги бунга халақит берди...

Ажабланарли томони шундаки, бухоролик деҳқон ўша йилларди кўзбўямачиликлар жабрини ҳамон чекмоқда. Унинг сермашаққат меҳнатини камситиш ҳамон давом этмоқда.

Бу масалада қандайдир ижобий ўзгаришларга эришиш мақсадида республика ҳукумати марказга мурожаат этганидан кейин 1987 йилдан бошлаб пахтанинг харид нархини ошириш учун қўшимча тарзда 24 миллион сўм ажратилиб, 232 та хўжаликнинг минтақаси оширилди. Агар Бухорода бунинг ҳисобига 25 колхоз-совхознинг зона коэффициенти оширилган бўлса, Қашқадарё областида бундай хўжаликлар сони 65 та.

Бухоро областида 17 та хўжалик тўртинчи минтақадан учинчисига, учта хўжалик иккинчисига, иккита хўжалик эса ҳатто биринчисига кўчирилди. Улар билан ёнма-ён жойлашган бир хил шароитдаги бошқа колхозсовхозларнинг пахтакорлари эса қўшниларнинг бундай саҳрашлари боисини тушунолмай бош қашиб туришибди.

Афсуски, республика пойтахтидан командировкага келган мутахассис ҳам бизга бунинг боисини тўла асослаб беролмади. Унинг фикрича, ўзаро тортишувларга чек қўйиш учун келгусида минтақа коэффициентини районлар бўйича бир хилда белгилаш мақсадга мувофиқ эмиш. Мана сизга нарх белгилашга илмий ёндашув.

Ваҳолонки, ўша Ғиждувон районининг ўзида табиий, тупроқ ва иқтисодий шароитлари бир-биридан кескин фарқ қиладиган хўжаликлар бор. Чунончи, «Халқобод», «Пахтаобод» колхозлари, «Жилвон—2», «Ғиждувон» совхозлари экин майдонлари тошлоқ. Агар қуйида жойлашган хўжаликларда 4—5 суғориш билан экин ҳосилга кирса, мазкур колхоз-совхозлардаги экин эса 9—12 мартагача сув талаб қилади.

Бизнингча, минтақа белгилаш масъулиятини областдаги мутасаддиларга топшириш мақсадга мувофиқдир. Ҳар ҳолда улар далага яқинроқ. Ким қандай машаққат билан ҳосил етиштиришини анча дуруст билишади.

Қандай бўлмасин, минтақа белгилаш учун асосий омил рентабеллик даражаси эмас, маҳсулот таннархи бўлиши керак. Бу соҳада ҳам анча-мунча чалкашликлар бор. Экин майдонларининг оғир мелиоратив аҳволи, қўшимча меҳнат сарфи туфайли кўпинча хўжаликларда таннарх жуда юксак бўлмоқда. Яна Ғиждувон районидаги фактларга мурожаат этайлик. Фақат ўтган йилнинг ўзида районда етиштирилган ҳар бир центнер пахта таннархи 30—40 фоизга ошиб, 65 сўмга етди. Оқибатда қилинган харажатлар билан ҳосилни сотишдан олинган даромад деярли бир-бирига тенг бўлиб қолди. Албатта, бунга минерал ўғит, техника ва бошқа айрим нарсаларнинг нархи ошганлиги ҳам таъсир қилмай қолмади. Бундай шароитда қандай қилиб деҳқоннинг бири икки бўлсин?!

... Ҳа, ғиждувонлик уста пахтакор Бобоқул Отамуродовнинг омади юришгани шубҳасиз. Фақат бир йилда у ишлайдиган колхозда минтақа коэффициенти туфайли қўлга киритилган деярли чорак миллион сўм эвазига 2 та янги ошхона, дала шийпони, фельдшерлик-акушерлик пункти, турар жой ва бошқа бинолар қурилди. Омади юришмаган хўжаликлар аъзолари эса бундай имкониятлардан ҳозирча маҳрум.

Улар яқин вақт ичида пахта нархини «зона»лар бўйича белгиланадиги қусурлар тугатилади, деб умид қилишмоқда.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУН

КОНИМЕХ районидаги «Коммунизм» наслчилик заводи 2-фермаси чўпони М. Рисбеков қўзилатиш кампаниясида ташкил этилган социалистик мусобақа ғолиби бўлди.

Унинг отаридаги 570 та совлиқнинг ҳаммаси қўзилади. Ҳар юз бошдан 118 тадан қўзи олинди. Шуларнинг 300 боши ўстиришга қолдирилди. Давлатга 107 дона сифатли қоракўл тери топширилди.

Шунингдек, мазкур райондаги «Маданият» совхозининг 1-фермаси яйлов баҳодирлари В. Кўжабоев, О. Ўрозбеков, У. Бойжонов, А. Жўлдосевлар ҳам тўл мавсумини муваффақиятли якунладилар. Ферма бўйича 4545 бош қўзи ўстиришга қолдирилди.

М. АДИЗОВА.

ИЛҒОРЛАР

ЯККАБОҒ. Зулфия Эшбобоева қатор йиллардан буён «Ленинизм» колхози ферма сут соғувчилари ўртасида илғорликни қўлдан бермай келаётир.

Унинг кўксини безаб турган Меҳнат Қизил Байроқ, Октябрь Революцияси орден ва медаллари соғувчининг ҳалол меҳнатлари эвазига берилган. Ўтган йили Зулфия Эшбобоева қарамоғидаги 15 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 3750 килограммдан сут соғиб олган эди. Унинг бу йилги режалари ҳам улкан. Издошлари Ш. Мирзаева, М. Пирбобоева, Ф. Сафаровалар ҳам айни кунларда фермадаги 150 бош соғин сигирнинг парваришини яхши ташкил этиб, кўпроқ сут соғиб олиш ниятида астойдил меҳнат қилишаётир.

С. ИКРОМОВ.

ГАЗЕТХОН:

мулоҳаза юритади

МАФКУРА ҚИММАТИ

Шу йилнинг 1 январидан бошлаб «Билим» жамияти ташкилотларининг барча вилоят бошқаруви бўғини тўла хўжалик ҳисобига ўтиб ишлай бошлади. Шартнома асосида ишлайдиган бу ташкилотнинг ҳозирги пайтдаги молиявий аҳволи, айниқса қишлоқ ноҳияларидан иборат вилоятларда қийин бўлмоқда. Умуман олганда, «Билим» жамияти ташкилотларининг қиёфаси аввалгидан кескин ўзгарди. Мазкур ташкилот мафкуравий ташкилотдан кўра кўпроқ кооператив ташкилотига ўхшаб қолди. Ҳозир биз ташкилотимиз фаолияти марказига молиявий аҳволни мустаҳкамлашни қўйишга мажбур бўлиб қолдик, чунки ишлаб топилмаса, ойлик ҳам олиш мумкин эмас. Аслида тўғри — ишламаган тишламайди. Лекин бу мафкуравий ташкилот бўлгани учун унинг фаолиятини молиявий натижага бевосита боғлаб қўйиш қандай бўларкин? Капиталистик мамлакатларда мафкура учун маблағ аялмаслигини айтиб ўтириш шарт эмас. Биз эса халқнинг дунёқарашини шакллантириш воситаси бўлган мафкурани, унинг моддий асосини корхоналарга, кооперативларга боғлаб қўйсак, қайсидир бир муқаддас нарсалардан ютқазмасмиканмиз?!

КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури «Инсон — партия сиёсатининг марказида» бўлимининг: **«Ижод қилиш эркинлиги»**, деб бошланадиган хатбоши тугашида **«Маданиятга»** сўзидан сўнг **«ва мафкурага»** деб қўшиб, кейинги жумла давом этса, айни муддао бўлар эди. Албатта, маданият тушунчасига мафкура ҳам киради. Биринчиси иккинчисидан кўра кенг тушунча, лекин мафкура марказида ҳам фойда олиш мақсади ётмаслиги янада аниқ таъкидланса, яхши бўлар эди. Чунки мафкура келтирадиган самарани ўлчаб бўлмайди. Шу маънода мафкура билан шуғулланадиган «Билим» жамияти каби ташкилотлар молиявий аҳволини бошқа ташкилот ва корхоналарга моддий қарамлик ҳолатидан озод қилишни, балким бундай ташкилотларни партия бюджетидан таъминлашни ўйлаб кўриш керакдир.

И. ҚУВОНДИҚОВ,
«Билим» жамияти Сирдарё вилоят ташкилоти бошқаруви раисининг биринчи муовини.

танқид қилади

ҚАЧОНГАЧА...

Яқинда ўқитувчи дўстим билан Тошкентнинг Хадра бекатидан Ўрдагача Навоий кўчаси бўйлаб пиёда юрдик. Хадрага Халқлар дўстлиги саройи томонидан келган эдик, рўпарадаги баланд бинода «Агенство» деган ёзувга кўзимиз тушди. Ўнг томонга бурилдик, «ГУМ», ярмарка по продаже промишленних товаров работаёт с 10 до 19ч., виходной день понедельник» деган катта-катта ёзувни уч жойда учратдик. Улар орасида саноатни ривожлантиришга доир русча шиорлар ёзилган. Бу шиорлар тагига саноат ва қурилиш акс эттирилган расмлар ҳам чизилган.

Юра туриб чап томонга қараймиз: «Доска почета стройтреста № 159» деган ёзувни кўрдик. Унинг қаторидаги бино тепасига: «Узбекистан, Минлегпрома УзССР, торговая фирма» деган сўзлар электр чироғи билан ёнадиган қилиб ёзилган.

Кўчанинг ўнг томонига қарасак «Парикмахерская» деган ёзувни кўрамиз. Яна чап томонга боқиб йўлда давом этамиз. Бино пештоқига «Да здравстует наша Родина — Союз Советских Социалистических Республик» деган узун шиор осилган. Шу томонга мен, ўнг томонга ўртоғим қараб, йўлда давом этдик. Чап томонда «Букинист», «Книги», «Часи», «Трикотажное ателье», деган ёзувларга, ўнг томонда Октябрь район партия комитети биноси олдида «Лучшие люди», «Доска почета» сўзларига дуч келдик.

Кўчаларимиз, турли идоралар, ташкилотлар, транспорт бекатлари, кўзга ташланиб турадиган жойларда ёзувлар ҳали ҳам ўзбек тилида эмас.

65-автобуснинг ёнига «2-қ-қамич дахъяси» деб ёзиб қўйишипти. «Дахъя» ғирт саводсизликни кўрсатади-ку. Шу автобусда ўнг томонга қараб боряпмиз. Бекатнинг ёнида «Кўз больницаси» деган ёзувни кўрдик.

Кўзга ташланадиган жойлардаги ёзувларда хатолар бўлиши бу тилни менсимаслик, тил ҳақидаги қонунга зид эмасми?

И. МАНСУРОВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

миннатдорчилик билдиради

ШИРИН СЎЗ ҲАМ ДАВО

Дори-дармон ҳушмуомалалик билан омухта қилинмас экан ундан наф ололмайсан.

Пойтахтимизнинг 1-клиник шифохонасида биз нафақат камёб дори-дармонлар, балки шифокорларнинг меҳрибонликларини ҳам кўрдик. Медицина фанлари номзодлари А. Ғайбуллаев, Д. Рубинов, урология бўлими мудири Ҳ. Толипов, Ф. Низомов ҳамиша беморлар атрофида парвона. Улар зарурат туғилганда бошқа шифохоналардан мутахассислар чақиртиришади, таклиф-мулоҳазаларни ёзиб олишади ва уларни ўз вақтида амалга оширишга ҳаракат қилишади. Уларнинг муомала ва муолажалари руҳимизни кўтаряпти, касалликдан тезроқ фориғ бўлишимизга кўмаклашмоқда. Даволовчи врачлардан медицина фанлари номзоди Абдуваҳоб Дадабоев, шифокор Рустам Мавлонов, Рудольф Бархет, ҳамширалар Зуҳра Маликова, Зулфия Юнусовалардан беҳад миннатдормиз.

Қ. СИДДИҚХУЖАЕВ,
Гидрогеология ва инженерлик геологияси институтининг катта илмий ходими.

А. ҚОДИРОВ,
Андижон обалсть ички ишлар бошқармаси бўлима бошлиғи

М. ОДИЛОВ,
Электрманший асбоблар ва хўжалик моллари комбинати пресословчиси.

А. ҲАСАНОВ,
Тошкентдаги 1-пойабзал фабрикаси механиги ва бошқалар.

Оролни қутқарайлик ва сақлаб қолайлик!

Қозоғистон телевиденнеси студиясидан табиат дурдонаси, инсон айби билан ҳалок бўлаётган Орол денгизини ҳимоя қилувчи сўзлар янгради. Олмаотада «Аралга-араша» [«Оролга ёрдам беринг»] узлуксиз давом этадиган хайрия телекўрсатуви бўлиб ўтди. Бу кўрсатув денгиз тақдирига, Орол бўйида яшаётган кишилар қисматига бефарқ қарамайдиган барча кишиларни бирлаштирди.

Қирғизистон, Узбекистон, Тожикистон, Қорақалпоғистон АССР аҳолиси узлуксиз давом этган телекўрсатув қатнашчилари бўлишди.

(ТАСС).



ҚЎЙ КЕЛАДИ ҚЎЗИ БИЛАН

Мана жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида қўзилатиш мавсуми ниҳоясига етиб қолди. Ишнинг кўзини билган, мавсумга пухта ҳозирлик кўрган чўпонлар совлиқлардан дуркун қўзилар олишди. Фориш районидаги «Фориш» совхози чўпон-чўлиқлари ҳам астойдил меҳнат қилишяпти. Бу ерда қўзилатиш мавсуми соз ўтмоқда. Айниқса, хўжаликнинг биринчи бўлими бош чўпони Я. Маматов бошлиқ отарда бу иш кўнгилдагидек давом этмоқда. Умуман ҳаммаси бўлиб бу ерда 600 дан знёд қўй боқилмоқда. Моҳир чўпон совлиқларнинг ҳар юз бошидан 110 тадан қўзи олишни мўлжалламоқда. Ҳозиргача совлиқларнинг ярмидан кўпи қўзилаб бўлди.

Ана шундай долзарб дамларда чўпон-чўлиқларнинг холидан хабар олиш, уларга маданий-маиший шароитлар яратиб бериш маҳаллий партия, совет, касаба союз ташкилотларининг жонажон иши. Буни яхши билган район коммунистлари яйловларга чиқиб чўпонлар ҳузурида мароқли суҳбатлар ўтказмоқдалар. Уларга зарур нарсаларни етказиб беришда кўмаклашмоқдалар.

Суратларда: 1. Қўзилар сони кўпаймоқда. 2. Район партия комитети мафкура бўлими мудирининг ўринбосари Юнус Мўминқулов (чапда) ва совхоз партия комитетининг секретари Шодибой Шокиров чўпонлар ҳузурида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ЖАМОАТЧИ МУХБИР НЕГА ИШДАН ҚУВИЛДИ?

Жиззахлик Жамила Нурматова газетамизнинг Сирдарё областидаги жамоатчилик қабулхонасига қўйидаги хат билан мурожаат қилди:

— Мен ўзим ишлаётган «Ширин» кооперативи фаолияти ҳақида мақола ёзгандим. Унда умуман кооперативлар ҳақида сўз юритиб, ҳар кимнинг ўз маҳсулоти бўлсин, деган фикрни айтганман. Мақола ҳам шу сарлавҳада «Совет Ўзбекистони»нинг ўтган йил 5 февраль сонида босилиб чиқди. 6 февраль куни «Ширин» кооперативи раиси Ашир Хўжаев мени идорага чақириб, нимага бировларнинг ишига аралашасиз, деб дўқ қилди. Редакцияга хат ёзиб, мақолани нотўғри ёзганлигимни маълум қилишимни сўради. Мен унамадим. Чунки ҳақлигимга ишонардим. 20 февраль куни умумий йиғилиш бўлди. Газетадаги мақола учун мени намойишкорона ишдан ҳайдашди...

Шундан сўнг мен бир неча марта Жиззахдаги кооперативлар жамияти раиси Шокир Тўраевга мурожаат этдим. Лекин у киши менга «Кооператив тарқаб кетса кетадики, лекин сизни ишга қайтиб олишмайди», деди. Менинг ёзма равишда берган хатимга эса Ш. Тўраев жавоб беришни лозим ҳам кўрмади.

Мен кооператив раҳбарлари инсофга келиб қолар, ахир туҳмат эмас, ҳақиқатни ёзганман, деб кутиб юрдим. Чунки ўша пайтда меҳнат дафтарчамни ҳам беришмаганди. Аммо яқинда **уни бировдан бериб** юборишибди. Буни қарангки, кооперативда ишлаган пайтим дафтарчада умуман қайд ҳам этилмабди.

Мамлакатимизда қайта қуриш, ошкоралик даврида ўз фикримни баён қиламан, деб наҳотки ўз бошимга шунча ғавғони сотиб олган бўлсам?

Жиззах районида яшовчи Жамила Нурматова.

Хатни узоқ вақт ўрганишга тўғри келди. Сабаби кооператив раҳбарлари, мутахассислари Жамила Нурматовани ишдан бўшатиш учун асос бўла оладиган бирорта тайинли далил ва ҳужжат кўрсатишолмади. «Ширин» кооперативида бўлган пайтимизда гоҳ у, гоҳ бу важни айтишиб, бизни ҳатто чалғитмоқчи бўлишди. Шуни таъкидлаш керакки, бўлиб ўтган суҳбатлардан кооперативдаги кўпгина мутасадди кишиларнинг корхонада иш юритиш, меҳнат ва кооперативлар ҳақидаги қонунлардан мутлақо бехабар эканлиги маълум бўлди.

Фактларга мурожаат қилайлик. «Ширин» кооперативи иш юритувчиси М. Музаффаровнинг тушунтиришича, Ж. Нурматова кооператив аъзоси эмас. У шартнома асосида ишлаяпти. Илгари жазо олмаган. Умумий йиғилишда ишдан бўшатилган. Лекин иш юритувчида Ж. Нурматованинг ишдан бўшатилишини асослайдиган ҳужжат йўқ. Меҳнат дафтарчаси эса негадир унда эмас, балки раиснинг ўзида сақланаётган экан.

Эътибор қилинг. Мана шунинг ўзида бир неча қонунбузарлик ҳолларини сезиш мумкин. Биринчидан, Ж. Нурматова кооператив аъзоси бўлмай, шартнома асосида ишлаётган бўлса, у фақат давлат корхоналари ҳақидаги қонун-қоидага биноан ишдан бўшатилиши мумкин. Ж. Нурматова эса маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатилган. Бунда меҳнат ҳақидаги қонунлар кодексининг 43-моддаси нормаларига мутлақо амал қилинмаган. Қолаверса, ишдан бўшатилган кишининг меҳнат дафтарчасини темир сандиқда ойлаб ушлаб туришга кимнинг ҳаққи бор? Ҳурматли «иш юритувчи», бир пайтнинг ўзида кооператив бош бухгалтери Маматхон Музаффаров меҳнат ҳақидаги қонунларнинг кўчасидан ҳам ўтмаган кўринади.

Ёки бошқа бир мисол. Кооперативда узоқ вақт касаба союз комитети тузилмаган. Инженер Нормурод Худойбердиевнинг бизга маълум қилишича, у яқинда шу комитетга раис этиб тайинланган. Аммо у касаба союзларининг роли, ўрни ва вазифасидан мутлақо бехабар. Бу вазифага у сайланмасдан тайинланганлиги туфайли касаба союз аъзолари ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўрнига раҳбарларнинг содиқ ижрочисига айланган.

Бу ўринда яна шуни таъкидлаш керакки, мазкур кооператив ташкил этилганидан буён унинг фаолиятидан яқин-атрофдаги аҳоли норози бўлиб турли ташкилотларга шикоят ва аризалар ёзмоқда. Аввало Ғаллаорол районидаги консерва заводи қошида тузилган «Ширин» кооперативининг Жиззах районидаги Свердлов номли ўрта мактаб ихтиёрига берилган бинода жойлашганлиги кўпчиликни ранжитди. Область агросаноат комитети ва Жиззах район Совети ижроия комитетидаги айрим раҳбарлар мактабнинг ёнгинасидаги бир пайтлар кондитер комбинатининг ишлаб чиқариш корпуси бўлган, эндиликда мактабнинг спорт залига айлантирилаётган бинони «Ширин» кооперативига бериш ҳақида фармойиш чиқардилар. Оқибатда кооператив раҳбарлари мактаб ҳовлиси, спорт майдончаси, география майдонини янги ўқув йили арафасида шудгорлатиб ташлашди. Ўқитувчилар ремонт қилган 2 та котеж уйни ўзбошимчалик билан эгаллашди. Мактабнинг асфальтланган майдонини ковлашиб, ҳовли деворларини бузишди. Бу ҳам етмагандай мактабнинг электр энергияси билан таъминланиши ва иситилишига мунтазам халал бериляпти. Бундай бебошликлар ҳақида ўқитувчиларнинг август кенгашида ҳам айтилди. Мактаб ота-оналар комитети, ўқитувчилар коллективи турли ташкилотларга мурожаат қилмоқдалар. Афсуски, маҳаллий партия, совет ташкилотлари бундай номаъқулчиликларни кўриб-кўрмаганга олиб юришибди. Оқибатда кооперативчилар янги-янги томошалар ўйлаб топишмоқда. Яқинда кооператив ҳовлисида раҳбарлардан бирининг катта тўйи ўтказилди. Бу тўйда содир бўлган воқеалар мактаб ўқитувчиларининг ёдларида узоқ вақт сақланиши табиий.

Мамлакатимизда турғунлик йиллари пайдо қилган мушкулотлар туфайли биз кооперативлар тузишга, уларнинг хизматидан фойдаланишга мажбур бўлдик. Шу боис областдаги кооперативлар ҳам халқ учун, унинг оғирини енгил қилиш учун хизмат қилишлари лозим. Ваҳолонки юқоридаги каби кўнгилсиз воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бусиз ҳам областдаги юзлаб мактаблар, болалар боғчаларидаги шарт-шароит ачинарли аҳволда эканлигини наҳотки раҳбарлар билишмаса. Қолаверса, кооперативларнинг фаолиятлари социалистик адолат анъаналарига, кооперативлар ҳақидаги қонунларга зид бўлмаслиги керак. Жамоатчи мухбиримиз Ж. Нурматованинг ўша даврдаги фикрининг нақадар тўғрилигига бугун ишониб турибмиз. Хўш, ишдан асоссиз қувилган жамоатчи мухбирнинг тақдири нима бўлади? Кўпсонли газетхонлар бу саволга жавоб кутишмоқда.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Кооператорлар суд олдида жавоб беришмоқда

СССР Ички ишлар министрлигининг шарҳи

Омск область судининг қарори билан «Дружба» кооперативининг собиқ раиси М. К. Валесян 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

СССР Ички ишлар министрлигида ТАСС мухбирига хабар қилишларича, Валесян район матлубот жамияти ҳузурида нон-булка маҳсулотлари тайёрлайдиган кооператив ташкил қилган. Кооператив бир мунча вақт даромад келтириб, муваффақиятли ишлаган. Унинг ходимлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қарор қилишган. Шу мақсадда раис зарур ҳужжатларни тайёрлаб, давлатдан 50 минг сўм қарз олган. Лекин бу маблағ ишни ривожлантиришга сарфлаш ўрнига раиснинг чўнтагига тушиб кетган. У шахсий манфаатлари йўлида 48200 сўм пулни талон-тарож қилган.

— Кейинги икки йил мобайнида умуман мамлакатда ишлаётган кооперативлар 15 баравар кўпайди, уларнинг умумий сони 190 мингтадан ошиб кетди, — дейди СССР Ички ишлар министрлиги БХСС бош бошқармасининг иқтисодиёт кооператив секторида жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш бўлимининг бошлиғи милиция полковниги А. Г. Филатов. — Кооперативларнинг товарлар сотиш ва хизмат кўрсатишдан оладиган даромади ҳажми шу даврнинг ўзида 350 миллион сўмдан 40 миллиард сўмга етди. Бу иқтисодчиларнинг энг дадил тахминларидан ҳам ошиб тушди.

Айни пайтда кооперативлар фаолиятида жиддий камчилик ва нуқсонлар намоён бўлди. Салбий ҳодисалар ва ҳуқуқбузарликлар кенг ёйилди.

Бултур ички ишлар органлари бу соҳада деярли 8 минг жиноятни ёки бундан олдинги йилдагига нисбатан 5,2 баравар кўп жиноятни аниқлади.

Москва ва Ленинградда, Арманистон ва Украина ССРда, Олтой ва Краснодар ўлкаларида, Новосибирск, Куйбишев ҳамда мамлакатнинг бошқа областларида 2,6 минг марта давлат ёки жамоат мулкини талон-тарож қилишнинг олди олинди.

Кооперативлар фаолиятида қулай шарт-шароит яратиб берилиши учун давлат корхоналари ва муассасаларининг, банк, молия ва назорат органларининг ходимларини пора эвазига сотиб олиш каби кўплаб фактлар катта ташвиш уйғотмоқда. Чунончи, СССР Жамғарма банки Арманистон республика идорасининг бошлиғи раҳбарлигидаги тўққиз кишидан иборат молия ходимлари гуруҳи кооператорларга қарз бериш учун бир неча бор пора олганликда айбланиб, узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Совет кишилари кейинги икки йил ичида деярли 20 баравар кўпайиб кетган савдо-харид, тижорат ва воситачилик кооперативларининг фаолиятини дангал ва ҳақли равишда олиб сотарликнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада кенгайиб кетиши, сунъий шов-шув ёрдамида талабнинг авж олдирилиши, моллар тақчиллигининг ўсиши билан боғламоқдалар. Масалан, Пермдаги «Звук» кооперативининг олибсотарлик обороти ярим йил ичида 1 миллион 690 минг сўмдан, олибсотарликдан тушган фойда эса 168 минг сўмдан ошиб кетди.

Кўпгина кооперативлар нарх белгилаш тартибини қўпол равишда бузмоқдалар, «шартномавий» нархлар ва тарифлардан улар марказлаштирилган тарзда белгиланиши лозимлиги қонунда тўғридан-тўғри кўрсатиб қўйилган ҳоллардагина фойдаланмоқдалар. Чунончи, Тбилисидаги «Курьер XXI» кооперативи чет элда чиқарилган, давлат чакана нархи 110 сўм бўлган аёллар этикларини 800 сўмдан сотган. Кооперативлар қонунга хилоф йўл билан олган даромад ва жарималарнинг бюджетга ўтказилиши керак бўлгай умумий миқдори 8 миллион сўмликдан кўпроқни ташкил этади.

Кооперативлар бетўхтов пул тўплаётгани, уларни нақд бўлмаган шаклдан нақд пулга айлантириб, кўпинча ўзлаштириб олаётганига ва бу пулнинг қадрсизланиш жараёнини муайян даражада кучайтираётганлигига эътиборни қаратмай бўлмайди.

1990 йил январь-февраль ойларида ССР Ички ишлар министрлигининг БХСС бош бошқармаси кишини танг қолдирадиган жиноятни очди: Ўшанда жамғарма банкининг мансабдор ходимлари Томскдаги тўрт кишидан иборат «Байт» кооперативига 150 минг сўмдан кўпроқ миқдордаги пора эвазига нақд пул билан 10 миллион сўм беришган, шунинг 4 миллион сўмдан кўпроғи талон-торож қилинган ва сарфлаб юборилган эди.

Кооператорларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари кўп жиҳатдан халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари уларнинг фаолиятини яхши назорат қилмаётгани, министрликлар ва идораларда қонун нормаларига риоя этилмаётганлиги, солиқ солиш идораларининг қонунсиз ишлаши оқибатидир.

АХБОРОТ

ЖУРНАЛИСТЛАР СОАТИ

Хоразм вилояти партия комитети ташаббуси билан жумҳурият оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари, ноҳия ва область газеталари муҳаррирлари, радиотелевидение комитети раиси иштирокида ҳафтанинг ҳар душанба куни журналистлар соати ўтказиляпти.

Бу тадбир кўпчиликка маъқул тушди. Унда вилоят партия комитетининг идеология масалалари билан шуғулланувчи котиби, бўлим мудирлари, совет, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг раҳбарлари қатнашадилар. Улар вилоятда ўтган ҳафтада бўлиб ўтган ва келгусига мўлжалланган диққатга молик воқеалар ҳусусида ахборотлар беришади, журналистларнинг саволларига жавоблар қайтаришади.

«ДОСТОН» ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Хива ноҳияси комсомол комитети қошида «Достон» фольклор-этнографик уюшмаси иш бошлади. У ўз фаолиятини шаҳарнинг қадимий обидаларидан бири — Саид Моҳи Жаҳон мадрасасида олиб боради.

Бу уюшмага Бола бахшининг фарзандлари Матёқуб ва Норбек Абдуллаевлар раҳбарлик қилишяпти. Уларнинг режаси кенг қамровли. Биринчи навбатда ака-ука ва уларнинг шогирдлари бахшичилик санъатини тарғиб қилиш ва ўргатиш билан шуғулланишади. Мадраса таъмир этилгач, ундаги ўн ҳужрада миллий урф-одатларимизни ташвиқ ва тарғиб қилиш, бахшичилик санъатини ривожлантириш, эски ўзбек тилини ўргатиш бўйича тўгараклар очилади. Уларнинг дастлабкилари ҳозирнинг ўзидаёқ фаолиятини бошлаб юборишди. Уюшманинг қўллаб ишида 91 ёшли машҳур санъаткор Бола бахши Абдуллаев ҳам фаол иштирок этяпти.

ВАЛЮТАГА — КОНЦЕРТ

Яқинда Хоразмга Буюк Британиядан ва Франциядан сайёҳлар ташриф буюришди. Улар Хивани ва бошқа диққатга сазовор жойларни томоша қилишди. Шундан сўнг уларни концертга таклиф қилишди.

Вилоят маданият бошқармаси қошидаги Бутуниттифоқ фольклор коллективлари кўриги лауреати «Оразибон» халқ ансамбли қарийб бир соат мобайнида Хоразмнинг қўҳна ва замонавий шўх қўшиқ-рақслари билан чет эллик меҳмонларнинг кўнглини ҳушнуд этди.

Эвазига эса юз доллардан зиёд валюта тушди.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАБАРРУК УМР

Яқинда Наманган шаҳридаги «Ишчи» маҳалласи аҳли ажойиб тантананинг гувоҳи бўлишди. Бу ерда юз ёшга кирган табаррук отахон ва онахонларнинг пиру-бадавлатлик тўйлари ўтказилди. Саксон ёшга кирган кишилар ҳам шу тантананинг тўрида бўлишди.

Тантана сабабчилари бўлган кишилар шу куни ўзларининг кексаликларини деярли унутиб, баҳорнинг сўлим оғушида ёшлар сингари яйраб қувнашди. Бунинг боиси шуки, уларнинг кексалик тўйини ташкил этишда маҳалланинг деярли ҳамма йигит-қизлари фаоллик кўрсатиб унинг ниҳоятда завқли бўлишига катта ҳисса қўшдилар. Улар кексаларга ҳуррамлик ва хушнудлик кайфиятини бағишлаш йўлида деярлик ҳамма тадбирларни амалга оширишди. Даврада рақслар, лапарлар, ашулалар авжига минди, тўкин дастурхон атрофида қизғин гурунг авж олди.

Юз ёшли кексаларнинг туғилган кунларини шу тахлитда нишонлаш эндиликда маҳаллада анъанага айланадиган бўлди.

Суратда: юз ёшлик отахонлардан бири В. Мадраҳимовни ёшлар муборакбод этишяпти.

А. КОВТУН олган сурат (ЎзТАГ).

СПОРТ

ХОККЕЙ:
БИРИНЧИСИ ҒАЛАБА

● БУГУН Швейцарияда бошланган жаҳон чемпионати иштирокчилари дам олишади. Совет хоккейчилари дастлабки учрашувни Норвегия командаси билан ўтказиб, 9:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Эртага навбатдаги тур учрашувлари бўлади. Хоккейчиларимиз АҚШ командаси билан майдонга тушадилар. Чемпионатнинг дастлабки босқич мусобақаларида саккиз команда иштирок этмоқда. Саралаш учрашувларидан кейин кучлилар аниқланиб, совринли ўринларга даъвогар командалар маълум бўлади.

ФУТБОЛ:
КУЧЛИЛАР САФИДА

● БУГУН иккинчи лиганинг шарқий зонасида куч синашаётган жумҳуриятимизнинг етти командаси мамлакат чемпионатининг учинчи тур ўйинларида иштирок этади. Чунончи, тўрт очко билан пешқадамлар сафида бораётган Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари андижонлик спартакчиларнинг меҳмони бўлишади. «Сурхон» футболчилари эса сафарда Омскнинг «Иртиш» командаси билан майдонга тушадилар. Фарғонанинг «Нефтяник» коллективи ҳам «Целинник» майдонида куч синашади. «Зарафшон» футболчилари эса Жамбулнинг «Химик» футболчиларини қабул қиладилар.

СССР кубоги учун 1/32 финал учрашувларида куч синашувчи коллективлар ўртасида қуръа ташланди. 2 май куни бўладиган учрашувларда «Навбаҳор» Фрунзенинг «Олга» коллективини қабул қилса, «Нефтъяник» Чимкентнинг «Мелиоратор» футболчилари билан ўйнайди. «Целинник» — «Сўғдиёна» билан баҳслашади.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОСТРАНСПОРТ МУТАХАССИСЛАРИ ВА РАҲБАР ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ БОШ ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: иқтисод, бошқариш ва планлаштиришни ташкил этиш, автомобиль ва йўл машиналарига техника хизмати кўрсатиш ва ремонт қилиш, юк ташишни ташкил қилиш, йўллар қурилиши ва улардан фойдаланиш, ҳисоблаш техникаси ва информатика, ижтимоий фанлар, иқтисодий ишлаб чиқариш таълими (фан доктори, профессорлар, фан номзодлари, доцентлар);

профессорлар: иқтисод, бошқариш ва планлаштиришни ташкил этиш, техника хизмати, автомобиль ва йўл машиналарига техника хизмати кўрсатиш ва ремонт қилиш, юк ташишни ташкил қилиш, йўл қурилиши ва улардан фойдаланиш, ҳисоблаш техникаси ва информатика, ижтимоий фанлар, иқтисодий ишлаб чиқариш таълими;

доцентлар: иқтисод, бошқариш ва планлаштиришни ташкил этиш, автомобиль ва йўл машиналарига техника хизмати кўрсатиш ва ремонт қилиш юк ташишни ташкил қилиш, йўл қурилиши ва улардан фойдаланиш, ҳисоблаш техникаси ва информатика, ижтимоий фанлар, иқтисодий ишлаб чиқариш таълими;

қуйидаги лабораторияларга: автомобилларнинг чидамлилиги, йўл қурилиш машиналари ва ускуналари, меҳнатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, автомобиллардан фойдаланиш, ҳаракатни ташкил этиш ва хавфсизлик хизмати, йўл синов, йўл қурилиш материаллари, кўприкларни синаш, меҳнатни илмий ташкил этиш (фан номзодлари, доцентлар).

Конкурс муддати — 20 апрелгача.

Ҳужжатлар институт ректори номига қуйидаги манзилгоҳга юборилсин; Тошкент шаҳри, Байнал-милал кўчаси, 53-уй.

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

амалий математика кафедраси мудири:

доцентлар: КПСС тарихи ва илмий коммунизм, марксча-ленинча фалсафа, сиёсий иқтисод, жисмоний тарбия, олий математика, умумий физика, саноат ва граждан қурилиши;

катта ўқитувчилар: КПСС тарихи ва илмий коммунизм, рус ва чет тиллари (2), жисмоний тарбия, умумий физика, умумий электротехника, механика (3), умумий ва ноорганик химия;

жисмоний тарбия ўқитувчиси,

ассистентлар: умумий физика, умумий электротехника, чарм-мўйна ва тўқимачилик ишлаб чиқариши технологияси, саноат ва граждан қурилиши, умумий ва ноорганик химия, органик химия.

Конкурс муддати — 20 апрелгача.

Манзилгоҳ: 705017, Бухоро шаҳри, Ленин комсомоли проспекти, 15-уй.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш нозирлиги
1990 йил учун
мақсадли клиник ординатурага
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Болалар онкологияси — тайёргарлик Москва шаҳридаги Бутуниттифоқ илмий онкологик марказда ўтилади, **кардиология** — тайёргарлик Москва шаҳридаги Бутуниттифоқ кардиология марказида ўтилади, **онкология** — тайёргарлик Ленинград шаҳридаги онкология илмий-тадқиқот институтида ўтилади, **болалар хирургияси, болалар нейрохирургияси** — тайёргарлик Ленинград шаҳридаги врачлар малакасини ошириш институтида ўтказилади, **томоқ, бурун, қулоқ, педиатрия, тери-таносил касалликлари, хирургик стоматология, нейрохирургия, болалар кўз касалликлари** — тайёргарлик Киев шаҳридаги врачлар малакасини ошириш институтида ўтказилади, **болалар қулоқ, томоқ, бурун касалликлари, неонатология** — тайёргарлик Харьков шаҳридаги врачлар малакасини ошириш институтида ўтказилади.

Мақсадли клиник ординатурага интернатурада ўқишни ҳисобга олмаган ҳолда ихтисоси бўйича камида 3 йил амалий иш стажига эга бўлган 35 ёшдан катта бўлмаганлар қабул қилинадилар.

Зарур ҳужжатлар: олий ўқув юрти ректори ёки илмий тадқиқот институти директори номига ариза, сурати ёпиштирилган ва иш жойидаги кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган кадрларни ҳисобга олиш варақаси, иш жойидан муассаса раҳбари, партия ташкилоти секретари, касаба союз раиси қўл қўйган ҳамда муҳр босиб берилган вақти кўрсатилган характеристика — тавсиянома, диплом нусхаси, таржимаи ҳол, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, соғлиғи ҳақида справка — 086/У форма, оладиган иш ҳақи тўғрисида справка, маҳаллий соғлиқни сақлаш органлари тавсияномаси.

Шахсий дело қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, ГСП, Навоий кўчаси, 12-уй, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш нозирлиги, кадрлар ва ўқув юртлари Бош бошқармаси.

Ҳужжатларни топшириш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Телефон 41-54-54.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
1 май соат 19.00 да
2 май, соат 15.00 ва 19.00 да
Ўзбекистон ССР халқ артисти
НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ
иштирокида
«АЙЕМИНГИЗ МУБОРАҚ»
ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА
ҚАТНАШАДИ

Программани сўз устаси Машраб НАЗАРОВ олиб боради.

Касса соат 11.00 дан очиқ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/IV да **Севги ҳақида афсона.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/IV да **Курорт.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/IV да **Шайтон ва мурид-лар.**

Ўзбекистон ССР Алоқа нозирлиги идорасининг жамоаси жумҳурият фельдшерлик хизмати бошқармаси бошлиғи К. О. Алимовга рафиқаси

Раиса Абдуқодировна АЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ногиронларга эътиборли бўлинг

Луқма

Ўтган йили СССР Министрлар Совети ногиронлар ва улар оилаларининг иқтисодий-маиший аҳволини яхшилаш мақсадида ногиронлар ишлаб топган соф фойда ҳисобидан даромад солиғи олишни бекор қилиб қарор чиқарган эди. Ҳукуматимизнинг бу хайрли тадбирини Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти аъзолари ҳам қувонч билан кутиб олишганди. Афсуски, уларнинг қувончи ёз ёмғиридек узоққа чўзилмади. Негаки, Ўзбекистон ССР Молия министрлиги 26 январь 1990 йил № 03—103/42 хати билан давлат нархи ўртасидаги ортиқча харажатни қоплайдиган кўзи ожизлар жамияти дотация маблағини қирқиб қўйди. Натижада жамият корхоналари ҳар йили ортиқча харажатни қоплаш учун олаётган 8 миллион сўм маблағдан маҳрум бўлди.

Очиғи, Молия министрлигининг бу қарорисиз ҳам мутасадди ташкилотларнинг лоқайдлиги туфайли жамиятимиз бир қанча муаммоларга дуч келяпти. Саноат корхоналарининг кўпчилиги хўжалик ҳисоби, шу жумладан ижара пудрати усулида ишлаб, жамият корхоналари учун зарур бўлган хом ашё нархларини 1,5—2 баравар га ошириб юборишган. Масалан, илгари 88 тийиндан харид қилган бир метр дераза ойнасини ҳозир 1 сўм 40 тийиндан сотиб олямиз.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтай, кейинги пайтда жумҳуриятимиздаги баъзи кооперативлар кўзи ожизлар ризқига шерик бўляпти. Жумладан, жамиятимиз корхоналари тайёрлаган елим халтача, консерва қопқоғи, пластмасса буюмлар ва бошқа истеъмол маҳсулотларини улар ҳам ишлаб чиқариш мақда. Лекин харид нархларида анча фарқ бор.

Ҳозир ички ресурсларни ишга солиб жамиятни молиявий ботқоқликдан олиб чиқиш тадбирларини кўряпмиз. Шу ўринда юқори молия органлари мадад берар, деб умидвор бўлгандик. Лекин умидларимиз пучга чиқди. Республика Молия министрлиги истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга кетаётган ортиқча харажатларни қоплаш учун амалий ёрдам бериш ўрнига олаётган озгина маблағимизни ҳам қирқиб қўйди.

Ўзбекистон ССР Молия министрлиги мутасадди раҳбарлари юқоридаги муаммоларни ўрганиб чиқиб, ёрдам қўлини чўзсалар айни муддао бўлур эди.

Р. РЎЗМЕТОВ,
Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти марказий правлениеси капитал қурилиш бўлими бошлиғи.

• Жабрдийда билан мулоқот

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

«Ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг ўзида ҳам зарур тартиб ўрнатилмаган. Жиноятларни яшириб, рўйхатга олмаслик, гражданларни ғайриқонуний тарзда ушлаш ва жиноий жавобгарликка тортиш, жиноий ишлар материалларини сохталаштириш ҳолларига барҳам берилмаган».

(Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1990 йил 18 январда бўлиб ўтган мажлисида билдирилган фикр).

Буни редакциямизга келган хатлар ҳам тасдиқлайди. «Ҳурматли адолат посбонлари, — деб ёзади тошкентлик врач О. Маҳкамов, — қачон шу номга лойиқ бўласизлар?! Қачонгача инсонларнинг асабини бузиб, соғлиғини йўқотасизлар?! Ҳақиқат излаб ҳузурингизга борган кишиларни қачонгача ранжитасизлар?!»

Тошкент шаҳар Ҳамза районида истиқомат қилувчи шахсий пенсионер А. Садриддинов эса ўз хатида «Ҳуқуқшуносларга нима бўлди?» деб сарлавҳа қўйибди. Приморский ўлкасидан (асли андижонлик) мактуб йўллаган Одинахон Усмонова, қорақалпоғистонлик Ботир Қурбонбоев, чирчиқлик Жуман Сарнев, Тошкент Давлат медицина институтининг доценти Я. Турмуҳамедов, тошкентлик газетхонлардан Маҳкам Ҳакимов, Абдулла Толипов, Ҳаким Мавлонов, Йўлдош Тошпўлатовлар ҳам ўз хатларида ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг баъзи ходимлари шаннига жиддий танқидий фикрлар айтишган.

Яқинда редакциямизга Тошкент автомобил-йўллар институти фалсафа кафедраси доценти Турсун Абдуллаев мурожаат этди. У 1981 йил 12 декабрда Фрунзе район халқ суди судьяси Л. И. Йўлчиев раислигидаги суд лов ҳайъати чиқарган ҳукм билан ноҳақ уч йил озодликдан маҳрум қилинганлигини, 1984 йил 8 апрелда жазо муддатини ўтаб оиласига қайтганини ҳамда ўзининг ҳақлигини исботлаш учун яна икки йил сарсон-саргардон бўлганини айтди.

— Республика прокуратураси, Олий суд ҳамда Ленин район прокуратурасининг ҳозирги билимдон, виждонли ходимлари ҳақиқатни юзага чиқаришди. Каминага етказилган моддий зарар (оз эмас 22461 сўм 58 тийин) давлат бюджети ҳисобидан тўланди. Менимча, буни «жиноий ишим»га алоқадор шахслардан ундириб бериш керак эди, — ўз саргузаштини ҳикоя қилишда давом этди Турсун Абдуллаев. — Айтинг-чи, бир неча йил давомида мен ва оила аъзоларим чеккан жабру жафоларни, маънавий зарарни нима билан қоплаб бўлади?!

Олим билан мулоқотимиз тобора қизиб борарди.

— Ўртоқ Абдуллаев, айтинг-чи, сизга қандай айб қўйилганди?

— Менга дастлаб Тошкент шаҳар Ленин район прокурори (собиқ) Шомуродов Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 154-моддаси (пора олиш-беришда воситачилик қилиш) 1-қисми билан айб эълон қилди ва жиноий ишни судга оширди. Ленин район халқ суди судьяси (собиқ) Ниятов раислигидаги судлов ҳайъати ишни кўриб чиқиб, бу моддани Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 17-модда (иштирокчилик) ва 153-модданинг (пора бериш) 1-қисми билан алмаштирди, шу асосда қайта тергов ўтказилсин, деб қарор чиқарди.

— Воқеа қандай содир бўлганди? Илтимос, бир бошдан қисқача сўзлаб берсангиз.

— Яхши. 1981 йил 4 апрель куни эрталаб божамнинг ўғли бизникига келиб, отасининг қаттиқ калтаклангани, юзлари ёрилиб оғир аҳволда ётгани, лекин шунга қарамай, кеча уни касалхонага олиб боришганда қабул қилишмаганини айтди ва ёрдам беришимни илтимос қилди.

— Шу заҳотиёқ манзилга етиб бордик, — сўзида давом этди Т. Абдуллаев. — Маълум бўлишича, бир неча марта қамалиб чиққан безори йигит Адҳам Қосимов божамни дўппослаган экан. Ўз уйида оғир аҳолда ётган беморни суяб ташқарига олиб чиқдик-да, менинг автомашинамга ўтқаздик. Энди жўнай деб турганимда безорининг отаси Султон Қосимов (унинг кимлигини кейинчалик билганман) келиб қолди. Милиция ходимлари Адҳамни ҳибсга олишган экан. «Ўғлим яна қамалиб кетмасин, бу кишини даволатиш учун 4—5 минг сўм бераман», — илтижо қилди С. Қосимов мендан. Унга рад жавобини бердик ва таклифини ўз вақтида Ленин район ички ишлар бўлимига маълум қилдик. Бу Султон Қосимовга ёқмади. Мендан ўч олиш учун туҳмат уюштирди. Орган ходимлари фирибгарнинг ҳийла-найрангларига қўшилишди. Ҳуллас, бошимга кетма-кет туҳмат тошлари ёғила бошлади. Ишдан бўшатилиб, Тошкент қамоқхонасига ташландим.

— Судья Ниятов чиқарган қарор бўйича қайта тергов ўтказилдими?

— Йўқ. Тергов қилиш учун мени 1981 йил 22 июль куни Тошкент қамоқхонасидан Ленин район прокуратурасига олиб келишди. Терговчи қилиб тайинланган Л. Иноғомов то мен унинг ҳузурига олиб келингунимга қадар тергов протоколини тўлдириб бўлган экан. Аввалги терговда берган тўлиқ бўлмаган кўрсатмамни боплаб кўчирибди азамат! Мен унга имзо чекмадим. Барча гувоҳларни чақиришни, улар билан юзлаштириб, протоколни тузишни талаб қилдим. Шу пайт терговчи менинг адвокатим Азизбердиевни чақирди. Азизбердиев ҳам талабим қонуний эканини айтди. Мен терговчига отвод бердим. Лекин терговчи менга 5 йил озодликдан маҳрум этишга кафолот берди. Прокурор қабулига кирдим. Шомуродов эса 5 йил эмас, 3 йилга кафолот берди. Тақдирим суд бўлмасданоқ ҳал қилиб қўйилганди. Ҳуллас, Иноғомов томонидан сохта протоколлар тузилиб, ишим яна судга оширилди.

— Сохта протоколлар ҳақида юқори идораларга шикоят қилмадингизми?

— Шикоят қилмаган жойим қолмади. Ишим СССР Олий Совети, Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг махсус контроли остида бўлса ҳам, суд ва прокуратура ходимлари ўз билганларича иш тутишди.

— Демак, қайтарилган жавоблар сизни қаноатлантирмабди-да?

— Ҳа. Ленин район халқ суди судьяси (собиқ) Йўлдошевнинг судлов жараёнидан сўнг суд иши материаллари билан мени таништириш ҳақидаги қарори ва бу материаллар билан таништиришларини сўраб ёзган ўнлаб аризам бўлишига қарамай мени ишнинг биринчи томи материаллари билан таништиришмади. Чунки суд маъмурияти ишда сохта материаллар борлигидан, баъзи материаллар эса манфаатдор шахслар томонидан олиб қўйилганидан хабардор эди. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳар ва республика прокуратураси томонидан менга берилган жавобларда терговчи Иноғомов ҳимоя қилинди. Бир жавобда: «Материаллар рўйхати Абдуллаев қамоқдан муддатини ўтаб келиб, иш билан танишгандан кейин қайта ёзилган, бу иш учун айбдорларни суд ходимлари орасидан қидириш керак», — дейилса, бошқа жавобда: «Абдуллаев протоколларни расмга олгандан кейин айрим протоколлар йўқолган», — деган сохта гаплар айтилди.

— Иноғомовнинг ножўя ишлари ҳақида район прокурорига шикоят қилганмисиз?

— Албатта. Мен Иноғомов билан беш минутча гаплашдим, холос. Талабларим қаноатлантирилмагани сабабли дарҳол унга отвод бердим ва прокурор Шомуродовга топширдим. Прокурор парво ҳам қилмади. Чунки Иноғомов унинг топшириғини бажараётганди-да! Ҳа, Шомуродов қандай қилиб бўлса ҳам нинг жавобгарликка тортдириши шарт эди. Сабаби, ўша кунлари прокурор қайта тайинланиши керак экан. Брак иш учун эса кечирмайдилар. Бракка йўл қўймаслик учун Ленин район халқ суди судьяси Йўлдошев ишни яна қайта терговга юборганда прокурор Шомуродов қайта терговга тўсқинлик қилиш мақсадида суд қарори устидан шаҳар судига раддия берди.

Лекин (қандай қонунга асосланишди экан) шаҳар суди бу раддияни кўриб чиқиб, иш юзасидан қайта тергов ўтказдирмай туриб, ишни яна суд қилиш учун Ленин районига қайтарди. 1981 йил 3 ноябрда суд жараёни бошланди. Судья Захаровага ва прокурорга берган раддиям қаноатлантирилмади. Лекин суд нимагадир ишни яна шу районда бошқа составда ўзбек тилида ўтказиш ҳақида қарор чиқарди. Аммо (негадир сабаби кўрсатилмай) суд Ленин районида ёки мен яшайдиган Чилонзор районида эмас, балки Фрунзе районида судья Л. Йўлчиев раислигида рус тилида ўтказилди.

— Суд жараёни қонуний олиб борилдими?

— Йўқ. Судьянинг суд пайтидаги хатти-ҳаракатидан залда ўтирганлар ҳам ҳайрон эди. Судья мен томонимдан туҳматчи Султон Қосимовга берилган саволларга қайтарилган жавобларни протоколга онгли равишда ёздирмади. Ёки, жавобни мана бундай ёзинг, деб котибга айтиб турди. Менинг саволларимга қандай жавоб бериши керак-лиги тўғрисида Қосимовга йўл-йўриқ кўрсатиб борди. Судья ишни жуда юзаки, бирёқлама, фақат мени қоралаш мақсадида ташкил этди. Йўлчиев ўз амалидан фойдаланиб прокурор Шомуродовнинг қонунсиз айблов хулосасини тўғри деб исботлашга интилди ва ўз мақсадини амалга оширди.

— Суднинг адолатсиз ҳукм чиқаргани ҳақида қаерларга шикоят қилгансиз?

— Барча юқори идораларга. Натижада, суд ҳукмини бекор қилиш учун республика прокуратураси уч марта раддия берди. 1982 йил 20 декабрда ёзилган биринчи раддия Тошкент шаҳар суди томонидан қаноатлантирилмади. 1983 йил февралда бўлим прокурори З. Аҳмедова тайёрлаган иккинчи раддия нимагадир республика прокурори биринчи ўринбосарининг столи устида имзосиз қолиб кетди. Республика прокуратурасининг учинчи раддияси асосида 1985 йилда Ўзбекистон ССР Олий суди барча суд қарорларини бекор қилди ва ишни Ленин район прокуратурасига қайта терговга юборди... Кўп йиллик машақатлардан сўнг ҳақиқат юзага чиқди.

Жабрдийда Турсун Абдуллаев билан узоқ суҳбатлашдик. «Табиб табиб эмас, бошдан кечирган табиб» дейдилар. Шунинг учун масалага янада ойдинлик киритиш мақсадида ундан сўрадик:

— Сизни, сизга ўхшаган кўплаб пок гражданларни прокуратура ва суд органларининг айрим ходимлари ва раҳбарлари томонидан совет қонунини бузиб озодликдан маҳрум қилишлари сабабларини нимада деб биласиз?

— Менимча, биринчидан айрим суд ва прокуратура ходимларининг назарий ва профессионал билим даражасининг ниҳоятда пастлиги шунга олиб келмоқда. Кўплаб «жиноий иш»ларнинг бракка чиққани бунга далил бўла олади.

Бундай чаласавод ва уқувсиз адлия ходимларига инсоннинг тақдирини ишониб топшириб бўладими?

Иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ишлаётган айрим ходимлар аҳлоқий пок эмас. Чунончи, терговчилардан бири тинтув пайтида мендан топилган ва олиб қўйилган 214 сўм пулни ўзлаштириб юборди.

Учинчи қусур шундан иборатки, суд ва прокуратура органлари ходимлари ўртасида бир-бирларининг қонунсиз хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш (ўзаро ёрдамлашиб юбориш) фактлари учраб турибди.

... Доцент Турсун Абдуллаевнинг фикрларида жон бор. Зеро, тергов ишлари дастлабки кунданоқ ҳаққоний олиб борилса, судьялар адолат руҳи билан суғорилган ҳукмлар чиқаришса, салбий оқибатлар келиб чиқмаган бўларди. Чунки адолатни кўпинча мансабдор шахслар тиклайдилар.

Мақоламиз сўнггида ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида қилган маърузасидаги қуйидаги фикрни эслатиб ўтмоқчимиз:

«Биронта ҳам давлат органи, биронта ҳам мансабдор шахс, коллектив, партия ёки жамоат ташкилоти, биронта ҳам киши қонунга бўйсуниш мажбуриятидан халос этилмайди».

Ҳа, совет қонунлари барчага баробар ва муқаддас.

У. ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

РЕДАКЦИЯДАН: Мақола мухбир ва у билан мулоқотда бўлган олимнинг шахсий мулоҳазалари сифатида босилмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ҳамда газетхонларимиз бу ҳақдаги ўз фикр-мулоҳазаларини бизга ёзиб юборадилар, деб умид қиламиз.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р — 10031. № 90. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12